

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

УДК:

Магистратура бўлими

“Педагогика ва педагогик технологиялар” кафедраси

5A140801 – Педагогика мутахассислиги

УСМОНОВА УМИДА ОЙБЕКОВНА

**ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ
мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

“Ҳимояга тавсия этаман”

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ **М.Эсонов**

“ ____ ” _____ **2012 й**

Илмий раҳбар: п.ф.н., доц.

_____ **Н.М.Эгамбердиева**

“ ____ ” _____ **2012 й.**

“Педагогика ва ПТ” кафедраси

муdiri, п.ф.д., проф.

_____ **Н.М.Эгамбердиева**

“ ____ ” _____ **2012 й.**

ТОШКЕНТ – 2012

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”да юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлиги ифодаси эканлиги, у жамиятдаги турли ҳил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ва батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омил эканлиги ҳамда қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланиши таъкидланган.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ қила оладиган кишигина маданиятли ва билимли киши деб ҳисобланиши мумкин.

Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар оилада, мактабгача тарбия муассасаларидаёқ ҳуқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият қасб этиши зарур. Шунинг учун 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларидан бошлаб, ҳар бир таълим тизимида босқичма-босқич ҳуқуқ сабоқлари, ҳуқуқий билим ва тарбия бериб борилиши йўлга қўйилди.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга ошиши шуни кўрсатадики, таълимнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларда уларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқликда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга эришиш ўзида муҳим педагогик муаммони акс эттиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошланғич таълим мазмуни, бошланғич таълимни ташкил этишнинг устувор тамойиллари, бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, психологик хусусиятлари, таълим самарадорлигини ошириш шартлари ҳамда мазкур босқичда таълим ва маънавий-маърифий ишларни ўтказишда самарали метод ва воситалар Қ.А.Абдуллаева, Б.Р.Адизов, А.Баҳромов, Н.У.Бикбаева, М.Э.Иноятова, Т.Н.Нажмитдинова, Р.Ғ.Сафарова, С.Усмонов, Е.Янгибоева, М.Э. Ҳайдаров, О.Ҳасанбоевалар томонидан очиб берилган. Ш.Абдуллаева, Х.П.Назарова, Л.С.Славина ва бошқаларнинг тадқиқотларида бошланғич синф ўқувчиларининг психологик хусусиятлари, уларда ижодий қобилият ҳамда коммуникатив сифатларини тарбиялаш муаммолари мавзу сифатида танланган. Бошланғич синф ўқувчиларида маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик ҳамда иқтисодий маданият сифатларини шакллантириш масалалари Г.Акромова, М.Базарова, М.Зайнитдинова, О.Ибодуллаева, Р.Ибрагимов, А.Кабилова, К.Климова, М.Махмудова, А.Рахматуллаев, М.Раҳимкулова, Т.Сапарова, А.Тешабоев, Ҳ.Умарова ҳамда Э.Хийеларнинг ишларида таҳлил этилган.

Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, тушунчаси, вазифалари ва унинг методологияси, ёшларга ҳуқуқий билим бериш, уларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга доир изланишларни Ҳ.Б.Бобоев, З.М.Исломов, У.Тожиhoнов, А.Саидов, Н.Н.Лебедева, В.А.Медведев, А.В.Куликова, Н.Ю.Гурьянов, Е.В.Аграновская, С.С.Алексеев, Г.Н.Васин, Е.В.Бычкова, А.П.Семитько, В.П.Федорин, Г.М.Мальцев, О.В.Потченко, А.С.Никулин; шахс умумий маданиятини шакллантириш масалалари юзасидан И.М.Муминов, В.Зоҳидов, Ж.Т.Туленов, Ф.Исмоилов, О.Мусурмонова, А.Я.Сухарёв, А.А.Хамроев, Л.А.Ершова; умумий, ўрта-махсус ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан Л.Н.Николаева, О.И.Анненко, М.Бобнева,

Е.Лукашева, А.Рафиковлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

Узлуксиз таълимнинг турли босқичларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга доир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, Р.Э.Турдибоева “Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари”, М.Усмонбоева “Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш”, Т.К.Кудайбергенова “Ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқий таълим самарадорлигини оширишнинг педагогик асослари” мавзусида номзодлик диссертацияларини амалга оширишган.

Бироқ технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмаган. Юқоридаги илмий далилларга таяниб, биз илмий тадқиқотимиз мавзусини **“Технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари”** тарзида танлашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Тадқиқотнинг мақсади: технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. “Ҳуқуқий маданият” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш.
2. Ҳуқуқий таълим технологияси ва унга қўйиладиган талабларни аниқлаш.
3. Бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш имкониятларини ёритиб бериш .
4. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти – бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети – бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мазмуни, имкониятлари ва технологияси.

Тадқиқот методлари: умумназарий (анализ, синтез, аналогия, қиёслаш, солиштириш, умумлаштириш, таснифлаш, тизимлаштириш ва бошқ.); умумпедагогик (меъёрий ҳужжатлар ва манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш, суҳбат, сўровнома, анкета фаолият натижаларини ўрганиш, педагогик эксперимент); математик-статистика.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Шарқ ва Ғарб мутафаккир олимларнинг фалсафий, педагогик, психологик таълимотлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тугрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”, Президент И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорлари, Бошланғич таълим Концепцияси, Давлат таълим стандартлари, дастур, дарслик ва қўлланмалар, таълим тизимида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларига таянилди.

Тадқиқот фарази. Агар:

- 1) “Ҳуқуқий маданият” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти ёритиб берилса;
- 2) ҳуқуқий таълим технологияси ва унга қўйиладиган талаблар аниқланса;
- 3) бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир имкониятлари ёритиб берилса;
- 4) бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқилса ва амалиётга татбиқ этилса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Тадқиқот босқичлари: тадқиқот иши қуйидаги икки босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич (2010-2011 йилларда) диссертация мавзуси йўналишидаги илмий-методик адабиётлар, мамлакатимизда ва хорижда олиб борилган тадқиқот ишлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди; бошланғич синф таълим-тарбия жараёни ўрганилиб, таҳлил қилинди ва технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга эҳтиёж борлиги аниқланди.

Иккинчи босқичда (2011-2012 йилларда) бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мазмуни ёритиб берилди; бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир имкониятлари аниқланди, ва технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди, тадқиқот ишининг натижалари таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва диссертацияни расмийлаштириш ишлари якунланди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. “Ҳуқуқий маданият” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Ҳуқуқий таълим технологияси ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш имкониятлари .
4. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. “Ҳуқуқий маданият” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти ёритиб берилди.
2. Ҳуқуқий таълим технологияси ва унга қўйиладиган талабларни аниқлаштирилди.

3. Бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш имкониятлари ёритиб берилди.

4. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида тарбиявий ишлар методикаси фани бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мазмуни, бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир имкониятлари ва технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўлларига бўлади. Бундан ташқари тарбиявий ишлар методикаси фани бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Натижаларнинг жорий қилиниши: тадқиқот ишининг асосий ғояси ва мазмуни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Педагогика ва педагогик технологиялар” кафедраси томонидан яратилаётган тарбиявий ишлар методикаси фани бўйича ўқув-усулбий мажмуада ўз аксини топган. Шунингдек, педагогика коллежларининг бошланғич синф, махсус таълим муассасалари тарбиячиси, кунги узайтирилган гуруҳ тарбияси йўналишлари бўйича ДТСларида тадқиқот материалларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми саҳифани ташкил этади.

I БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ва тузулиши

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади, Ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти шундаки, бу унинг ҳуқуқий тафаккур, юридик техника (услугият) ва ҳуқуқий тажрибанинг мужассамлантирилишидир.

Ҳуқуқий маданият инсонсиз ва унинг дунёқарашини белгиловчи фаолиятсиз, бундай фаолият ва тафаккурнинг прогрессив йўналишисиз мавжуд бўла олмайди. У бу ерда ҳуқуқий реалликнинг ҳақиқий амал қилиши ва ривожланишидаги муҳим жиҳатларини қамраб олувчи, аниқ белгиланган мақсадлари йўналтирилган ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий воситани қўллашга шахс ва жамиятни прогрессив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш муҳимдир. Ҳуқуқий маданият фақат ижтимоий тараққиёт доирасидагина тўлиқ ҳолда тушунилиши мумкин. Ҳақиқий ҳуқуқий маданият тарихий ижобий ҳуқуқий тажрибани эътиборга олмасдан мавжуд бўла олмайди.

“Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти” тушунчаси кўпинча ҳуқуқий воқеликнинг қимматли бўлаги, унинг олға қараб ривожланишининг даражаси сифатида намоён бўлади. У илғор ва ижобий маърифатпарварлик ҳуқуқий қадриятларини қамраб олади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди. У инсоннинг билимдонлиги билан яқиндан уйғунлашиб кетади. Шахснинг ҳуқуқий онгига нисбатан умумий ва ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуддир. Бу, шунингдек, ҳуқуқий тарбияга ҳам боғлиқлир.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир. Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати муайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онгини тақозо қилади. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келув-чи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради.

Шундай қилиб, шахснинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний кадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасидир. Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқий маданият бир неча махсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қуйидагилардан иборат:

Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришни ва адолатли фуқаролик жамиятини вужудга келтиришни таъминловчи назарий ва ташкилий фаолият билан боғлиқ. Бу функция умумий ва шахсий манфаатларни инсоният ижтимоий

ривожланишининг марказига қўйиш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун муҳит яратиш, унга зарур меҳнат ва ҳаёт шароитини яратиш, сиёсий эркинлигини таъминлашга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий тизимнинг барча элементларининг барқарор ва батартиб ҳаракатланишини таъминлашга йўналтиради.

Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив функцияси ҳуқуқий ва бошқа социал нормалар орқали амалга ошади. Ушбу функция шарофати билан ҳуқуқий маданият одамларни уларнинг фаолиятида белгиланган қоидаларга социал интилиш ва идеаллари, эҳтиёжлари ва манфаатларининг ҳуқуқий муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга ошувини таъминлайди, бу муносабатларни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси аксиологик тавсифлар тизими ёрдамида акс эттирилади. У турли ходиса ва фактларда маълум бир аҳамият касб этган онгли шахслар ҳаракатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий нормалар бошқа жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини ташкил қилувчи элементлар баҳоловчи объект сифатида майдонга келади.

Ҳуқуқий маданиятнинг норматив функцияси ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳаракат намуналарига мос ҳолда атроф ҳуқуқий воқеликни ўзгартиришга эришилган натижага нисбатан муносабатда ўз аксини топади. Ҳуқуқий маданиятдаги баҳоловчи фаолият шахс, ҳуқуқ хизматчилари жамияти, қонунчилик, ҳуқуқий тартиб-интизом, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий бошқарув механизми (тегишли ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган) «ўлчовидан» ташкил топади.

Ҳуқуқий маданиятнинг социологик функцияси шахснинг ҳуқуқий сифатларининг шаклланиш тизими орқали ўрганиб чиқилиши мумкин. Сўзсиз, бундай жараёнга ҳуқуқий воқелик маълум бир таъсир ўтказади. Шу билан бирга, мақсадли ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг

ҳуқуқий таълимини ташкил қилиш чорасини кўриш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш жараёнини фаоллаштириш зарур. Ҳуқуқий маданият коммуникатив функцияни ҳам бажаради. У фуқароларнинг ҳуқуқий доирадаги мулоқотини таъминлар экан, шу мулоқат орқали мавжуд бўлади ва таъсир этади.

Бу ерда фуқароларнинг фақат ҳуқуқий ҳаракат доирасидаги бевосита мулоқоти назарда тутилибгина қолмасдан, балки уларнинг биз шахсан нотаниш бўлган, биздан макон ва замонда муайян оралиқда бўлган тенгдошларимиз, ўтмиш авлодларимиз билан бевосита «мулоқоти» назарда тутилмоқда. Бу функцияни ўзлаштириш ҳуқуқий маданий меросга, замонавий ҳуқуқий маданиятнинг бошқа кўринишларига нисбатан муносабатимизни белгилайдиган турли асарлардаги ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий маданияти бошқа жамият ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро таъсирисиз муваффақиятга эришганига олмайди. Мамлакатимизнинг советлар даврида маданиятни чеклашга уриниш, жумладан бой тарихий, ҳуқуқий меросимиздан ўзишга интилиш ва замонавий давлатлар маданий-ҳуқуқий ҳаёти билан ҳар қандай алоқани чеклашга уриниш қандай ачинарли оқибатларга олиб келгани маълум.

Ҳуқуқий маданият ўзида ҳозирги ва ўтмиш давр ҳуқуқий маданияти илғор ютуқлари ҳамма турларини тўплаши лозим. Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси охир оқибатда фуқароларнинг ғоявий-ҳуқуқий алоқаларини жамият такомиллашуви ва ҳуқуқий тажрибаси мерос қилиб қолишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг коммуникатив функцияси фақат «бугунги» ҳуқуқий бошқарув доирасида ташкил топибгина қолмайди. У ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини режалаштириш ва прогнозлаштириш, ҳуқуқий маданият куриш ва ривожланиш учун зарурий элемент сифатида юзага келади.

Ҳуқуқий маданиятнинг прогностик функцияси ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллашни қамраб олади, қонунлар ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашни, фуқароларнинг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати, фаоллиги ва бошқаларни, бутун ҳуқуқий тизим учун хос бўлган анъаналарни ташкил қилишни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда илмий прогнозлаш ва режалаштириш-нинг элементлари, масалан қонунчилик фаолиятида кучайиб бормокда, чунки қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни режали равишда амалга ошириш зарур.

Ҳуқуқий воқеликнинг турли жиҳатлари ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти қуйидаги қисмлардан ташкил топади:

- биринчидан, юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;
- иккинчидан, ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;
- учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шугулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;
- тўртинчидан, ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;
- бешинчидан, ҳуқуқий хатти-ҳаракат (ҳам қонуний, ҳам қонунга хилоф).

Ҳуқуқий маданият ижтимоий онг ва ижтимоий амалиётнинг кўп жиҳатли ҳолати бўлиб, жамиятни тавсифловчи барча ҳуқуқий жиҳатларнинг синтезидир.

Ҳуқуқий маданиятнинг тузилишини таҳлил этганда, асосий эътиборни унинг табиатига қаратиш керак. Агар кишилик фаолияти шаклларининг ҳуқуқий маданиятда тутган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилинса, авваламбор, иккита соҳани назарда тутиш керак:

- биринчидан, бевосита ҳуқуқий соҳадаги фаолият;

- иккинчидан, ҳуқуқий характерда бўлмаган, лекин ҳуқуқ амал қиладиган соҳа билан боғлиқ бўлган фаолият.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқорида таъкидланган элементлари унинг мазмунига тўла мос келмайди. Аммо улар жамиятнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ифодалайди. Унинг мазмуни эса фақат ҳуқуқий онг, ҳуқуқ, қонунийлик кабиларнигина эмас, балки унинг ривожланиш даражасини, миқдорини, яъни цивилизациянинг, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи нималарни берса, ҳаммасини қамраб олади.

Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмлари:

а) ҳуқуқ – ҳуқуқий маданият негизи. Ҳуқуқий маданиятнинг энг биринчи ва асосий таркибий қисми ҳуқуқдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳуқуқи жиддий ва туб ўзгаришларга учраганлиги билан ажралиб туради.

Қонунларда, давлат ҳуқуқий тузилишида, ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий маданият институтлари ҳамда механизмларида кўз ўнгимизда юз бераётган ўзгаришлар шунчалар жадал ва чуқурки, ҳуқуқий ривожланишнинг оламшумул, стратегик истиқболлари ва мақсадлари тўғрисида ўйлаш, мамлакатимизда юз бераётган ҳуқуқий ислохотларни жаҳондаги ҳуқуқий ривожланиш жараёни билан “мослаштириш”, унда Ўзбекистоннинг ўрнини ҳамда ушбу ўринга мос ислохотчилик йўналишлари ва мақсадларини аниқлаш зарур.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини тартибга солиш мақсадида Олий Мажлис қошида қонун ижодкорлиги стратегиясини белгилаш билан шугулланадиган, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, экспертизадан ўтказадиган Қонунчилик илмий тадқиқот институтини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Амалдаги қонунлар мониторинги институти эса парламентга қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишда ёрдам бериши, социологик тадқиқотлар ўтказиши, қонунларни ўзгартиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши керак.

Шундай қилиб, ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқ туб ислохот босқичини бошдан кечирмоқда, унга муайян камчиликлар ва нуқсонлар хосдир. Умуман олганда эса, бу демократик, ҳуқуқий тафаккурнинг илғор ютуқларига асосланган ҳуқуқдир. Шунини алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқий давлат қонунчилигининг асосий базаси, негизи яратилган, эндиги вазифа эса уларни такомиллаштириш, чуқурлаштириш, муфассаллаштириш, рўёбга чиқариш ва қўллашдан иборат.

б) ҳуқуқий муносабатлар – амалдаги ҳуқуқий маданият. Ҳуқуқий маданиятнинг иккинчи элементи ҳуқуқий муносабатлардир. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабат ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлардир, деган фикр кенг тарқалган. Бинобарин, ҳуқуқий муносабат, биринчи навбатда, юридик нормаларни амалга оширишнинг, ҳуқуқ амал қилишининг натижасидир. Айнан ҳуқуқий муносабатлар орқали ҳуқуқ “яшайди”, амал қилади. Ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий имкониятлари ва юридик мажбуриятларини амалга оширишнинг ҳақиқий манзарасини айнан ҳуқуқий муносабаталарнинг юзага келиши кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий позицияси ва мўлжаллари, юридик соҳадаги ташаббуслари ва фаолликлари, хатти-ҳаракатлари юридик шакллари афзал билиш даражаси биргаликда уларнинг ҳуқуқий маданиятини белгилаб беради.

Ҳуқуқий муносабатлар, ижтимоий фойдали ёки салбий юридик факт муносабати билан юзага келганлигига қараб, жамият ҳуқуқий маданиятининг кўрсаткичи бўлади. Айтайлик, оила қонунларида мустаҳкамланган никоҳдан ўтиш имконияти камдан-кам ҳолларда аниқ ҳуқуқий муносабатларда амалга ошади ва ўз амалий ифодасини топади. Бу жамият ҳуқуқий маданиятининг нафақат юридик, балки ижтимоий қадрият бўлган мазкур нормани ҳали қабул қилмаганлигидан далолат беради. Ахир ушбу нормани кенг қўллаш эр-хотин ўртасида юзага келадиган жуда кўп фуқаролик-ҳуқуқий келишмовчиликларларга йўл қўймасликка, айрим ҳолларда эса ажралишлар

негизида содир этилаётган жиноятларнинг олди олинishiга имкон берган бўларди.

Ҳуқуқбузарликларнинг, ҳуқуқни қўллаш ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларнинг миқдори ҳам жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини кўрсатади. Ҳуқуқий муносабатлар, бир томондан, жамият ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланишининг даражаси билан белгиланади, бошқа томондан эса, унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини акс эттиради.

в) юридик муассасалар. Ҳуқуқий маданиятнинг учинчи элементи юридик муассасалардир. Ҳуқуқий ривожланиш ва ҳуқуқий маданиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи амалиётчи юристлар ва ҳуқуқшунос олимлар ҳамда ўқитувчилардан иборат профессионал юридик жамоадан иборат. Юристлар ҳуқуқий тараққиёт эгалари, жамиятда юз бераётган ҳуқуқ ва эркинликлар ривожланиши, ҳуқуқий даъволар қилиш жараёнлари, шахсни ва жамиятни ўзбошимчалик ва бошбошдоқликдан ҳимоя қилиш талабларининг ифодачиларидир. Охир оқибатда ҳуқуқшунослар қандай бўлса, ҳуқуқ ҳам шундай бўлади. Ҳуқуқ ва ҳуқуқшуносларнинг даражаси эса уларга берилган ҳуқуқий таълимга боғлиқ.

Юридик муассасалар, улар фаолиятининг самарадорлиги нафақат жамиятнинг, балки давлатнинг ҳам ҳуқуқий маданияти даражасини белгилаб беради. Айнан Конституцияга мувофиқ равишда халқ иродасини ифодаловчи ва унинг манфаатларига хизмат қилувчи давлат ушбу муассасаларнинг фаолиятини ташкил этади ва таъминлайди. Жамият ва давлатнинг демократиклигига, ривожланганлик даражасига юридик муассасалар қандай ишлаётганлигига қараб ҳам баҳо берадилар.

Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг маълумотларига қараганда, республикамызда давлатга қарашли бўлмаган 47 юридик муассаса ишлаб турибди. Уларнинг, биринчи навбатда, хусусий адвокатлар ва нотариусларнинг етишмаслиги айниқса қишлоқ жойларида сезилмоқда. Шу

муносабат билан (Ўзбекистон қонунларига қатъий риоя қилганлари тақдирда) хорижий компанияларнинг аҳолига юридик хизмат кўрсатиш амалиёти қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

г) ҳуқуқий онг. Ҳуқуқий маданиятнинг тўртинчи элементи – ҳуқуқий онг. Ҳуқуқий онг шахс онгида, жамият ғояларида намоён бўлган ҳуқуқдир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ва қонунийликка муносабатдаги эътиқодлар, тасаввурлар, баҳолар, ҳис-туйғулар ва маънавиятнинг бошқа таркибий қисмлари тизимидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг давлат ва жамиятнинг бошқарув таъсирига энг кам даражада учраган элементиدير. Тезлик билан янги қонун қабул қилшп, давлат органини тўзиш мумкин, аммо инсоннинг ҳуқуқий онгини тезда ўзгартириб бўлмайди. Юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш кўп куч ҳамда вақт талаб қилувчи қийин вазифадир. Шунинг учун ҳам “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да барча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий онги даражасини кўтариш тасодифан бош мақсад қилиб белгиланмаган¹. Ҳуқуқий кадриятларни маънавий ўзлаштириш оддий инсоний маданият ва саводхонликнинг бўлишини тақозо этади. У шахсни умумий тарбиялаш жараёнлари билан узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга айрим ижтимоий гуруҳлар вакиллари ҳуқуқий онгнинг жиддий равишда бузилганлига яққол кўриниб турибди. Ҳуқуқий нигилизм, ҳуқуққа нисбатан истеъмолчилик муносабати жиноятчилар дунёсининг маданиятини белгилаб беради. Ёшларнинг бир қисмида ҳуқуқий кадриятларга нисбатан бефарқлик кузатилмоқда. Агар ёшлар ҳуқуқни билмасликларини намоиш қилсалар, ҳуқуқбузарлар, одатда ўзларининг ҳуқуқий жиҳатдан, айниқса жиноят ҳуқуқи соҳасида, билимдонликларини кўрсатадилар. Бироқ улар ҳам, булар ҳам нуқсонли, паст даражадаги ҳуқуқий онгга эгадирлар.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”. – Т.: Шарқ, 1997.

Ҳукукий онг даражасини кўтариш учун оила, мактабгача тарбия муассасалар, мактаблар, ўқув-юртлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат институтларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари зарур. Сўнгга вақтларда юксак ҳукукий онг фақат шахс дунёқарашига комплекс ва мақсадга мувофиқ таъсир этишнинг натижаси бўлиши тушуниб етилди.

Ҳукукий онгнинг тузилиши. Маълумки, ҳукукий онг икки таркибий қисмдан, яъни ҳукукий мафкура ва кукукий руҳиятдан иборат. Ҳукукий мафкура ҳукуқнинг моҳияти, аҳамияти ва талаблари тўғрисидаги ғоялар, қадриятларни ўз ичига олса, ҳукукий руҳият ҳиссиётлар, кайфиятлар, кечинма-лар, яъни ҳукуқнинг эмоционал қабул қилиниши билан боғлиқ.

Аҳолининг ҳукукий онги ҳукукий психологиянинг давлат ташвиқ қилаётган ҳукукий мафкурадан кескин орқада қолаётганлиги, ҳукукий давлатга хос бўлган ҳукукий ғоялар ва принципларнинг кундалик онг ҳукукий нигилизмдан кескин фарқ қилиши билан ажралиб туради. Ҳукукий онгдаги бундай аҳволнинг сабаблари ҳукукий тизим доираси билан чекланиб қолмайди, балки иқтисодий, ижтимоий ҳамда бошқа объектив ва субъектив омиллар билан белгиланади. Бироқ ҳукукий онг ўзгармай қолмайди, у ҳукуқ ва давлатнинг ўзгариши билан такомиллашиб боради.

Қонунга ҳурматни тарбиялаш. Ҳукукий давлатда жамият ва шахс ҳукукий онгининг муҳим жиҳати, бизнингча, қонунга ҳурмат, унинг қадрини шахс қадриятларининг энг юқори даражасига кўтаришдан иборат. Ҳукуққа, қонунга ҳурматни оддий қонунга итоаткорлик деб тасаввур этиб бўлмайди, у юқори даражадаги ҳукукий фаолликни талаб этади.

Айнан ҳукукий фаоллик, яъни шахснинг ижтимоий фаол ижобий хатти-ҳаракати унинг ҳукукий онгининг, қонунга ҳурматининг даражасини билдирувчи муҳим кўрсаткичдир.

Қонунга ҳурмат қонундан, унинг одиллигидан қониқиш ҳиссига, шунингдек, ўз хатти-ҳаракатларини ҳукуқ принциплари ва нормаларига

ихтиёрий равишда бўйсундиришга асосланган ахлоқий-ҳуқуқий категориядир. Бошқача айтганда, шахс ҳуқуқий мажбуриятларни анланган бурч сифатида, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бирлиги принципининг тимсоли сифатида қабул қилади.

Криминологиядаги тадқиқотлар ҳуқуқбузарлик содир этилиши учун муайян ҳуқуқий нормаларини билиш ёки билмаслиқнинг ҳал қилувчи аҳамияти йўқлигидан далолат бермоқда. Респондентларнинг каттагина қисми ҳуқуқбузарликларни қонунни ҳурмат қилганликлари учун эмас, жазодан қўрққанлиги туфайли содир этмаслиқларини тан олганлар. Бу ҳуқуққа ҳурматни шакллантиришнинг жуда муҳимлигини тасдиқлайди.

Жамоатчилик фикри ва ҳуқуқ. Жамият ҳуқуқий онгини баҳолашда жамоатчилик фикрини ўрганиш катта ёрдам беради. Афсуски, республикамизда ҳуқуқ масалалари бўйича жамоатчилик фикрининг мониторинги амалда ўтказилмайди, ҳолбуки социологик тадқиқотларнинг маълумотлари бутун жа-миятдаги ҳамда айрим ижтимоий гуруҳлардаги ҳуқуқий онгининг манзарасини аниқлаштиришга ёрдам берган бўларди. Шахс ҳуқуқий онгидаги ижобий мотивлар ва манфаатларга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки регулятив хосса ҳамиша ҳам тарбиявий хосса билан мос келавермайди, кишиларнинг муайян қисми қонун талабларини келишувчилик қилиб ёхуд жазонинг қўлланилишидан қўрқиб бажарадилар. Бошқа қисми эса ҳуқуқий қадириятларга анланган ҳолда муносабатда бўладилар. Шу нарса ажабланарлики, айнан ижобий ҳуқуқий онг механизми амалда ўрганилмасдан қолмоқда. Турли хил ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгидаги ижобий стереотипларни аниқлаш ва кенг ёйиш лозим.

Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг туб ўзгаришлари, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий асосларнинг кучайиши, шунингдек, давлат ва жамоат институтларининг фаол ҳуқуқий тарбия ишлари аста-секин аҳоли ҳуқуқий онгининг ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишига олиб келади.

д) ҳуқуқий хатти-ҳаракат. Ҳуқуқий маданиятнинг даражасини кўрсатувчи индикатор бўлган бешинчи элементи ҳуқуқий хатти-ҳаракатдир. Шундай ҳолат юзага келдики, юридик фан асосан қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар муаммолари билан, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш билан шуғулланиб, ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг қонунга мувофиқ ша-кли кам тадқиқ этилган. Айни пайтда ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг ижтимоий фойдали турларини аниқлаш, таъминлаш ва ривожлантириш жамият ҳуқуқий маданиятини кўтаришнинг қудратли воситасидир. Қонунга мос хатти-ҳаракат ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлган идеал ахлоқ билан мос келувчи юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.

Маълумки, ҳуқуқ шахснинг имкониятидаги хатти-ҳаракатларининг, унинг эркинлигининг меъёридир. Шахс ушбу имкониятларни, шунингдек, ҳуқуқ нормаларининг талабларини турли усуллар билан амалга оширади. Уларга, жумладан, ҳуқуққа риоя этиш, бажариш, уни бажариш, тадқиқ этиш ёхуд қўллаш киради. Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, шахсга қонунга хилоф ҳаракатлардан ўзини тийиш мажбуриятининг юкланиши шаклида ҳам амалга оширилади.

Қонуний хатти-ҳаракатларнинг икки турини ажаратиш: 1) ҳуқуқ нормалари ва қонунларнинг талабларини бузмасликда, уларга риоя этишда, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни қилмасликда намоён бўладиган пассив ижобий хатти-ҳаракат; 2) ташаббускорона, фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракатларда, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган ихтиёрий фаолиятда ифодаланадиган ҳуқуқий фаоллик.

Ижтимоий ҳуқуқий фаоллик ва ҳуқуқий маданият.

Энг аввало, давлатнинг ва барча бошқа ижтимоий институтларнинг ҳуқуқий тарбияга қаратилган самарали фаолияти зарур. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги, ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги принципининг таъминланиши улкан аҳамиятга

эгадир. Шунингдек, қонун бўзилишларининг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар мажмуасини амалга ошириш ҳам муҳимдир.

Ижобий ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни жорий этиш ва ташвиқ қилиш, қонунга итоаткорлик турмуш тарзини шакллантириш фаолиятида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари катта самара беради. Айнан маҳаллада, мавзеда ҳуқуқий хатти-ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлиги яққол намоён бўлади, бу ерда қонуний хатти-ҳаракатни ташвиқ қилиш ва рағбатлантириш энг кўп самара беради. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ўрганиш ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари ижтимоий таъминот, ободонлаштириш, маданий оқартув ишларидан иборатлигини кўрсатмоқда.

Давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларига инсон ҳуқуқлари ва эркинларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлари қонунларнинг маъносини, мазмунини ва қўлланилишини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгилаб бермоқда ҳамда улар аҳамияти борган сари кўтарилиб бораётган одил судлов томонидан таъминланмоқда.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий ҳолатининг зарурий шарт-шароити ва яратувчи асосидир. У шахснинг ҳуқуқий ривожланиш даражаси ва хусусиятидир. Ушбу даража ва хусусият инсоннинг қонуний фаолияти даражасида ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан ҳуқуқий маданиятли шахснинг моделини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бундай модель индивидлар учун тегишли ижтимоий-ҳуқуқий мақсадларни ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга.

1.2. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг асосий тамойиллари

Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ҳуқуқий давлатга хос бўлган тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини тақозо қилади. Мазкур тамойиллар демократик ўзгаришларнинг, инсонпарварлик ғоялари ва ижтимоий адолатни ўрнатиш, фуқароларнинг

юксак даражадаги сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чинакам ҳимоялаш ва амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида чуқур асослаб берилган. Ҳақиқатан ҳам, "Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди"¹.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг 26 миллионлик нуфўзи билан Марказий Осиё худудининг ўзагини ташкил этади. Худди шу худудда дунёнинг энг қадимий цивилизацияси пайдо бўлган. Ана шу заминда Шарқ ва Ғарб азалдан юзма-юз бўлган. Асрлар давомида Осиё билан Оврупони боғлайдиган карвон йўллари ҳам худди ана шу ўзбек диёри худудидан ўтган. Ушбу масканлардан "Буюк Ипак йўли" ўтиб, яқин даврларгача у ўзининг бетакрор аҳамиятини сақлаб қолган ва ҳозирги кунда ҳам оламшумул мавқеини йўқотгани йўқ.

Ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ҳам қадимий бўлиб, у мазкур тарихнинг уч минг йиллик қаърига бориб етади. "Мазкур худудда қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон давлатларининг гуллаб-яшнаши жаҳон маданияти ривожига ёрқин из қолдирди"².

Ўзбекларнинг аجدодларига халқ қисматининг суронли, баъзан фожеали силсилаларини босиб ўтишга тўғри келган. Моддий ва маънавий салоҳиятга бой ана шу ўлкани ўзаро бўлиб олиш ва унга эгалик қилиш учун тарихда кучли давлатлар ўртасида аёвсиз курашлар, қирғинбарот жанглар бўлиб турган. "Шунга қарамай, ўзбек халқи улуғ алломаларни, мутафаккирларни, саркардаларни тарбиялаб, мислсиз маънавий бойлик яратди, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшди".³

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – Б.17. з

² Каримов И.А. БМТнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.6.

³ Ирмухамедов Б.А., Хасанов Б.В. Происхождение и формирование узбекского народа. – Т., 1992. – С.19.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи асрлар давомида ўз маънавияти ва кадриятларини сақлаб, авайлаб мағрур яшади, истиқлоли ва эрки учун меҳнат қилди¹. Айни замонда ана шу миллий онг ва миллий ифтихор истиқлолимизнинг ҳам бебаҳо тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур пойдеворни халқ қаҳрамонлари Широқ ва Тўмарис, буюк алломалар ва давлат арбоблари ал-Хоразмий ва ал-Форобий, ал-Беруний ва Абу Али ибн Сино, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Бобур, Шайбонийхон ва Абдуллахон каби халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари яратганлар.

Бугун халқимиз имом ал-Бухорий ва ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд ва Сулаймон Боқирғонийнинг қутлуг номларини чуқур эҳтиром билан тилга олади. Уларнинг диний ва ҳуқуқий таълимотлари юртимизда қайтадан тикланиб, инсон шахсининг маънавий камолоти учун хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга совет империяси даврида гуноҳсиз қатағонга учраган ҳамда зўравонликлар қурбони бўлганлар ҳам мустақиллигимиз маънавиятига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Хозирги кунда ўзбек ўғлонларининг бир вақтлар ноҳақ қораланган ва унутилаёзган эзгу номлари тикланиб, муносиб баҳоланмоқда. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби кўплаб зиёлиларнинг асарлари халқ бойлигига айланди. "... Мустақиллик, ҳуррият халқимизга ниҳоятда қимматга тушган. Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар такдири, ҳаёти, иймони, виждони билан ўлчанади"².

Яқин ўтмишда совет оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожланишидаги ютуқлари тўғрисида кўплаб ваъзхонликлар қилинарди. Саводсизликни тугатиш, завод ва фабрикалар қурилиши, янги ўқув юртларининг очилганлиги, миллий кадрларни

¹Ўзбегим. – Т., 1992. – Б. 110-135.

²Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 75-йиллигига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқ. – Т., 1992. – Б.5-6.

тайёрлаш, хотин-қизларни озодликка чиқариш шулар жумласига киради. Албатта, буларнинг аксарияти ҳақиқатан ҳам бўлгани билан бироқ маданиятимизда нимаики ислом дини, урф-одатлари, халқнинг чинакам маънавий қадриятлари, анъаналари билан узвий боғланган бўлса, мазкур қадриятлардан воз кечилган эди. Бундай сиёсат туфайли "Туркистон халқи бошига тушган кулфатнинг асосий сабабларидан яна бири иқтисодиётнинг жамиятни ўзаро қарама-қарши табақаларга бўлиб ташлайдиган, меҳнатни рағбатлантирувчи омилларни йўққа чиқарадиган коммунистик мафкурага бўйсундиришдан иборат эди"¹.

1991 йидда коммунистлар салтанатининг қулаши ўзбек халқининг мафкуравий исканжадан халос бўлиб, тинч парламент йўли билан мустақилликка эришишига, ўзининг истиқлол йўлига чиқиб олишига қулай шароит яратди.

Ўзбек халқи ютуқларининг гарови нимада, деган савол туғилиши табиий. Мазкур саволга бир сўз билан "Тинчликда", деб жавоб бериш лозим. Аксарият кишилар жамиятдаги демократик жараёнларни ҳаракатимизнинг ягона йўналиши деб баҳолайдилар. Аслида бундай жараёнларни демократиядан эмас, балки иқтисоддан бошлаш лозим, деб мулоҳаза юритиш ҳам мумкиндир. Лекин, худди мана шу муносабатларда Ўзбекистоннинг собиқ совет республикаларига нисбатан ҳам ривожланиш йўлидаги тафовутлар кўзга ташланади. Европа жамиятларидан фарқли ўлароқ маънавий ўзига хослигига эга бўлган жамиятимизнинг энг қулай ривожланиш йўлини танлашда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жамият ва давлатни ислоҳ қилишининг нисбатан оғриқсиз "фалажсиз даволаш" йўлларини топа олди.

Ўзбекистонинг истиқлолга эришуви унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, маданий ва маънавий янгиланиши учун улкан имкониятлар

¹ Орифжониев Э.К. Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар. – Т., 1994. – Б.40; Ўзбегим. – Т., 1992. – Б.41-89.

яратди. Эрка эришган ҳар бир мамлакат ўз ривожланиш йўлига эга ва у янги жамият куриш учун ўз андозасини излашга ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг асосий тамойили мамлакатимизнинг ўз хусусиятларини, кишиларнинг анъаналари ва урф-одатларини, ҳаёт тарзини инобатга олган ҳолда ўз ҳуқуқий йўлини топа олишидир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида истиқлолнинг илк давлариданоқ мамлакатимизнинг янги шароитларда бозор иқтисодиётига ўтишнинг мезони, ўзига хос демократик Конституцияси ишлаб чиқилди¹.

Танлаб олинган тараққиёт дастуримиз жамиятнинг объектив ривожланиш қонунларига асосланади. Истиқлол шароитида босиб ўтилган йўлнинг тўғрилиги амалиётдаги ўзгаришлар билан тасдиқланмоқда. Бу йўл Ўзбекистонни миллий-давлатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камолатга элтадиган йўлдир.

Ўзбекистонда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат куриш жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ривожланишининг аниқ мақсади қилиб қўйилган. Мазкур давлат ташқи сиёсатга очиқ бўлиб, маърифий ва барқарор бозор муносабатларига асослангандир. Фақат Ўзбекистонда яшайдиган замондошларимизнинг эмас, балки келажак авлоднинг ҳам тақдири биз қурмоқчи бўлган давлат билан узвий боғлиқдир. Ушбу жамият Ўзбекистон халқига муносиб ҳаётни кафолатлаши, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, миллий қадриятлар ва маданиятни раванқ топтириши, инсон ахлоқий камолотига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон барпо этилган демократик давлатнинг янги ижтимоий тузумга ўтишда беш асосий тамойилга амал қилишини Президентимиз И.А.Каримов чуқур илмий ишлаб чиққан². Айни вақтда жорий қилинаётган беш асосий тамойил жумҳуриятимизда мустақил давлат куришнинг дастури

¹ Орифжонов Э. Туркистон шўролар даврида. Ушалмаган орзулар. – Т., 1994. – Б. 40; Ўзбегим. – Т., 1992. Б.41-89.

² Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. – Т.: Ўзбекистон, 1993.

бўлиб узоқ йилларга мўлжалланган. Мазкур ҳуқуқий давлат қуриш ҳуқуқий тамойиллари Ўзбекистон янгаланиши ва тараққиётининг ўзига хослигини ифодалайди. Улар қуйидагилардан иборатдир.

Биринчи тамойил: иқтисодий ислохотларнинг сиёсатдан устунлиги ва бу жараёнда иқтисодиётнинг мафкурадан хоилилиги. Мазкур тамойил иқтисоднинг ҳамиша сиёсатдан устун бўлиши лозимлигини кўрсатади. Чиндан ҳам иқтисодни мафкура билан боғлаб қўймаслик зарур. Маълумки, собиқ советлар тузуми давридаги иқтисод ҳаддан ташқари сиёсийлашганди. Узоқ йиллар давомида илмий ҳақиқатларнинг сўнги намунаси каби кўз-кўз қилинган сохта соция-листик назарияларнинг қотиб қолганлига малакатимиз тафаккури тараққиётига катта путур етказиб, уни бир қадар қашшоқлаштирди. Шу боис бугунги кунда мазкур тафаккур билан қуролланган барча бошқарув идоралари ходимлари амалда бозор иқтисоди шароитида ишлашга тайёр эмасликларини намоёиш этмоқдалар.

Иккинчи тамойил: иқтисодни башқаришда, хусусан, бозор муносабатларига ўтишда, янги жамият қуришда давлатнинг бошқариш жиловини қўддан чиқармаслиги. "Фақат давлат, қонуний йўл билан сайланган ҳокимиятгина ислохотчи бўлса, ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз бериши мумкин"¹. Бунинг устига, фақат қонун устуворлигига таянган давлатгина ўз таркибий тўзилмалари воситасида бюрократизм-ни, буйруқбозликни, шаклланган ночор психологиясини тугатиши, чинакам бозор муносабатларини жорий қилиши мумкин. Худди ана шу давлатгина жамият ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаши, ижтимоий парокандаликка олиб бормайдиган оқилона, мезонли, изчил сиёсатни амалга ошириши лозим. Шундагина халқнинг ҳаётида ижобий силжишлар юз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1993. – Б.150.

бериши, ислоҳотлар ва ян-гиланиш йулидан боришга эришиш мумкин бўлади¹.

Мустақил ривожланиш йўлига кирган аксарият мамлакатларнинг тажрибаси давлатнинг жамиятдаги туб ўзгаришларда ташаббускор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бир томондан, давлат мамлакат ва ундаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қилса, иккинчи томондан эса, у кишилар ва уюшган тўзилмаларни ислоҳотларга тайёрлайди. У гуё одамларни янгича яшашга мажбур этади ва шу билан бирга уларни рағбатлантиради ҳам.

Ёш мустақил давлат тарихидаги бундай мураккаб даврда эски тизим қулаган, лекин янги тизимнинг қурилиши ҳали тугатилмаган бир шароитда бошбошдоқлик ва парокандаликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳодисалар ҳокимият кучсиз ва лаёқатсиз бўлган ерларда содир бўлади, холос.

Якка ҳукмронликка асосланган андозадан чинакам истиқлолга ўтиш даврида бош ислоҳотчилик мавқеини ҳатто ақлли ва иқтидорли академиклар ва амалиётчилар гуруҳи эмас, балки бу ишни фақат қонун билан иш кўрадиган давлатгина эгаллайди. Шу боисдан ҳам мураккаб ўтиш даврида эски жамиятнинг ўрнига янгисини қуришда давлат бошқарув жилловини ўз қўлидан чиқармаслиги даркор.

Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида Ўзбекистон ўзининг муҳим географик ўрнига кўра алоҳида мавқега эга. Шу боис ҳам мазкур ҳудудда қонун йўли билан сайланган ҳокимиятнинг барқарорликнинг кафолати бўлиши жуда муҳимдир. Акс ҳолда, ўлкада муайян сиёсий тартибсизликлар юз бериши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Дарҳақиқат, кўп миллатли Ўзбекистон халқи ишонадиган кучли давлат ҳокимиятигина тинчликни сақлаши, республикани равнақ йўлига чиқариши

¹ Қаранг: Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Том 1. – Т.: Адолат, 1994. – С. 53-60.

лозимлигини мустақиллик шароитида кечган тўрт йиллик ҳаёт тўлиқ тасдиқлаб турибди¹.

Осойишталикни, барқарорликни таъминлаш мамлакатдаги фуқаролар ва миллатларнинг мураси давлат қурилишини ва иқтисодиётни такомиллаштиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Ана шу му-раккаб вазифаларни ечиш учун юртимизда кучли ижроия ҳокимияти зарур эди. Барча қийинчиликларга қарамай, мазкур муаммолар ечилди. Бугунги кунда Ўзбекистон собиқ иттифоқчи республикалар орасида энг барқарор ривожланаётган давлат ҳисобланади².

Учинчи тамойил: қонунга итоаткорлик – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг зарурий шартидир. 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституция мус-тақил Ўзбекистоннинг Асосий қонуни, истиқлол Қомусидир. Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар мутахассислари ва экспертлари Конституциямизнинг жаҳондаги энг илғор конституциялар қаторига киришини тасдиқладилар.

Тўртинчи тамойил: кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш-дир. Бозор муносабатларини жорий этиш аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан бирга қадам-бақадам бориши даркор. Мазкур тамойил бозор иқтисоди йўлида энг долзарб вазифа бўлиб келган ва шундай бўлиб ҳам қолади.

Демократик ва иқтисодий ислохотлар йўлида эришилган ижобий силжишлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлатнинг олиб борган иқтисодий сиёсати, шунингдек аҳолининг энг кам таъминланган қатламлари ҳимоя қилинганлиги туфайли ҳам содир бўлмоқда .

¹Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.27.

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.34-35.

1.3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури – давлат ҳуқуқий сиёсатининг асоси

“Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваф-фақиятли ҳал этилишини таъминлайди”, - дейилади жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида.

Ўзбекистон демократик ислохотлар йўлидан қадам-бақадам олға силжимоқда. Қўлга киритилган ютуқлар кўп жиҳатдан давлатнинг асосий ислохотчи сифатида демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик қилаётганлигининг самарасидир. Шу билан бирга, давлат фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўстириш ишларини бир лаҳзага бўлсада сусайтираётгани йўқ. Мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.

1997 йилнинг 20 майида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан шу куннинг долзарб ҳуқуқий муаммолари хусусида ўтказган учрашуви мазкур йўналишдаги ишларнинг жонланишига тўртки бўлиб хизмат қилди. Бу учрашувнинг асосий ғоясини “Демократик жамиятга – юксак ҳуқуқий маданият” шиори билан ифодалаш мумкин. Биз эркин ҳуқуқий демократик давлат барпо этмоқдамиз. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотлар шу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган демократик

ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда халққа юридик билимлар бериш, яъни жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий фаолликнинг зарурий шартлари бўлган демократик тамойилларни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ислоҳотларни кузатиб туриб, уларга нисбатан хайрйхоҳлик билдиришнинг ўзи камлик қилади. Ҳар бир фуқаро кунда ҳақиқий ватанпарварликни намоиш этиб, ислоҳотларнинг фаол қатнашчиси, демократик ўзгаришларнинг бевосита ижроچиси бўлмоғи зарур.

Қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур англаб етиш, барча ҳаракатни халқнинг янги ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратиш шу жиҳатдан аҳамиятлики, унинг воситасида жамиятнинг ҳуқуқий мадания-тини кўтаришга эришилади. Адолатли демократик жамият фақатгина инсон, жамият ва давлат манфаатларининг бирлиги ва мутаносиблиги негизида барпо этилиши мумкин. Улар ўртасидаги муносабатларнинг асосини қонунийлик ташкил этмоғи лозим.

Ўзбекистон Конституцияси инсонни олий қадрият сифатида баҳолар экан, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг демократик ҳуқуқий йўл билан ҳал этилишини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйган. Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаётни демократиялаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида кўп ишлар амалга оширилмокда. Демократик принциплар, қадриятлар ва институтлар ҳаётимизнинг барча соҳаларига борган сари чуқурроқ кириб бормокда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йилда Венада ўтказган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи умумжаҳон анжуманининг қарорларини бажариш борасида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Бу тизимга инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази ва бошқа ўқув-маърифий ва нодавлат ташкилотлар киради. Бу

ўринда Ички ишлар вазирлиги Академиясининг инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси, Тошкент юридик институти қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Адвокатлар ва судьялар уюшмаларини кўрсатиш мумкин.

Мазкур демократик институтлар демократлаштириш жараёнларига барқарорлик тусини бериш ва ислоҳотларнинг бир зум ҳам тўхтаб туришига йўл қўймаслик мақсадида барпо этилган. Жамиятда сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик қарор топди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг ҳеч бир давлатдан қолишмаслиги учун барча чоратadbирлар амалга оширилмоқда:

Ўзбекистон ўз сиёсатини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш – демократиянинг асоси эканлигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган принциплари ва нормалари, умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар ва демократияга суянган ҳолда жамиятни демократлаштиришни халқ менталитети, миллий руҳият ва тафаккурнинг ўзига хос эканлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширмоқда.

Аҳолининг қонунлар, фармонлар ва ҳукумат қарорларидан ўз вақтида хабардор бўлиб туриши, юридик ҳужжатларнинг, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш масалаларига оид ҳужжатларнинг мазмуни ва маъносини аниқ англаб етиши катта аҳамиятга эга. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билиши, уларнинг ўз ҳаётларидаги ўрнини ҳис эта олишлари шарт. Ўзи ва ўзгаларнинг ҳуқуқларини аниқ, билиш ва хуртат қилиш шахснинг юқори ҳуцуций маданият соҳиби бўлишининг зарурий шартидир.

“Совет империяси” даврида давлат доимо ўз ҳуқуқ ва манфаатларини инсон ва жамият манфаатларидан устун қўярди. Инсон бор-йўғи маъмурий-бошқарув тизимининг бир “мурвати” эди, холос. Эски ҳуқуқий мафкурадан озод бўлиш зарур. Бу гап ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг

ходимларига ҳам тааллуқлидир. Чунки уларнинг маълум қисми ўша давр юридик ўқув юртларида таълим олганлар ва совет ҳуқуқий мафкураси шароитида тарбия топганлар. Албатга, маълум маънода бу билан уларни айблаб бўлмайди, бироқ уларнинг янги ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шаклланишидаги сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни қабул қилди. У ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмининг, аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ва таълими тизимини такомиллаштириш орқали кишилар ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг асосий жиҳатларини назарда тутди.

Дастурда ҳозирги замон руҳига мос келувчи малакали мутахассис юристларни, юридик фанлар бўйича янги дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурларини тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилди.

Ушбу Дастурни ва Ўзбекистон Президентининг тубдан янги ўқув ва оммавий ҳуқуқий адабиётлар тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги даъватига жавобан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан Консгатуция, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексига шарҳлар нашр этилди, кўп жилдлик Жаҳон конституциялари тўпламининг икки жилди чоп этилди, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, криминология, криминалистика, ички ишлар идораларининг маъмурий фаолияти бўйича дарсликлар нашр этилди. Барча юридик фанлар бўйича ўқув дастурлари янгиланди. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқий маданият назарияси, консти-туциявий ҳуқуқ, мусулмон ҳуқуқи, жиноят процесси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий этикаси ва эстетикаси бўйича дарсликлар нашрга тайёрланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” туркумида 12 та китоб чиқарди, улардан “Конституция. Луғат-маълумотнома”, “Конституция ва инсон ҳуқуқлари”, “Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий маданият”, “Ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми”, “Инсон ҳуқуқлари ҳақида нималарни билиш лозим?”, “Тил ва қонун”, “Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш”, “Демократия ва инсон ҳуқуқлари” кабиларни алоҳида эслатиб ўтиш лозим.

Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги тадбирларни давлат сиёсати даражасига кўтариш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича “Ижтимоий фикр” нодавлат маркази, ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш маркази, ҳуқуқшунос мутахассисларни қайта тайёрлаш маркази, Адлия вазирлиги қошида аҳолининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича махсус бўлинма ташкил этилди.

Истиқлол йиллари ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат фаолиятининг асосий йўналишига айланди. У давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш стратегиясида, демократик институтлар тизимини барпо қилишда ва янги ҳуқуқий мафқурани яратишда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Президент И.А.Каримовнинг аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий тарбияни яхшилашга қаратилган ишларни давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олиш зарурлиги ҳақидаги ғояси унинг 1997 йил 25 июнда эълон қилинган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги фармонида амалга оширилган. Унда “Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини

яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар - давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин”¹, - дейилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бирламчи аҳамиятта эга эканлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, демократлашув, ижтимоий адолат, ҳуқуқий тарбиянинг илмийлиги, изчиллиги ва умумийлиги, ҳуқуқий маълумотларнинг очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва саводхонликка ўзига хос муносабатда бўлиш каби асосий қоидаларига таянади.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бундан ташқари Президент Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бўзилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тўзиш тўғрисида”, 1997 йил 21 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”, 1997 йил 22 июлда “Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида” қарорлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устун йўналиши бўлганлиги учун бир қатор амалий ишлар қилинди. "Ижтимоий фикр"

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Т., 1997. - № 7. 179-модда.

жамоатчилик маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Фуқароларнинг қонунийликнинг бўзилиши ҳақидаги шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича бошқармаси, Юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш маркази ўз фаолиятларини бошлаб юборганлар. Қабул қилинган давлат қарорлари ва янги демократик институтлар фаолиятининг натижасидан ҳар бир инсоннинг баҳраманд бўлиши, ҳар бир фуқаро уларнинг ишини ҳис қилиши амалий аҳамиятга моликдир.

Тошкентда ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида чет эллик етакчи ҳуқуқшунос олимлар иштирокида қатор анжуманлар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказилди. Бу анжуманларда демократик ҳуқуқий давлат қуришга асос бўладиган қонунчиликни мустаҳкамлашнинг ҳозирги муаммолари муҳокама этилди ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий тарбияси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишларни яхшилашнинг қулай ва самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. К.Аденауэр номли фонд иштирокида "Ҳуқуқий давлат ва демократия" мавзуи бўйича Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун бир неча семинарлар, Ички ишлар вазирлиги Академиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва инсон ҳуқуқлари Миллий маркази билан ҳамкорликда "Конституция" ва "Инсон манфаатлари", "Бурхониддин Марганоний ижодий мероси мисолида Инсон ҳуқуқларининг умумий тамойиллари", "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш", "Конституция ва ёшлар ҳуқуқи" каби мавзулардаги конференциялар, "Ички ишлар органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши" мавзуида минтақавий семинар ўтказилди ва ҳ.к.

Бошқа бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида ҳам бу муаммога кўпроқ аҳамият берилмоқда. Хусусан, ҳуқуқий билимларни оммага етказишнинг анъанавий бўлмаган шаклларига оид изланишлар олиб борилмоқда.

Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган “Ҳуқуқ – право”, “Ижтимоий фикр”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” каби янги юридик газета ва журналлар пайдо бўлди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш тизими томомила янги ва сифатли даражада қайта тикланмоқда. Бу ишга ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар кенгроқ жалб қилинмоқда, чунки ҳуқуқшуносликнинг нозик томонларини тушуниш ҳуқуқий билимларнинг асосини билмайдиган оддий одамлар учун анча мураккаб.

Буларнинг ҳаммаси, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар кенг миқёсда олиб борилаётганидан далолат беради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг ва ҳар бир жамоанинг маданиятидан ташкил топади. Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг малакасини ошириш марказлари, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, юридик адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмаларни нашр этиш ва тарқатиш муассасаларининг кенг тармоғи хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий саводхонлик – ҳуқуқий маданият асосидир. Жамият ҳаёти ва фаолиятида Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий билимларнинг асосларини яратиш зарур. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлиги, авваламбор, Конституция ва қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлайди. Бу - ҳуқуқий

нормаларга юзаки муносабатда бўлиш фикрининг ўзи бўлмаслиги кераклигини ифодалайди. Қонунга ҳурмат ҳар бир инсоннинг қалбидаги чуқур эътиқоди бўлмоғи лозим. У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳкамланиб бориши керак. Бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, барча жамоат уюшмалари ва давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан, сермашаққат ишидир. Нима мумкину, нима мумкин эмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар барчага маълум. Қонунни бўзиш мумкин эмаслигини тушуниш юридик дунёқарашнинг "қалб кўзи" бўлмоғи даркор.

Совет давридаги ҳуқуқий нигилизм, яъни қонун ва ҳуқуқий нормаларга юзаки, беписандлик билан муносабатда бўлиш, кишилар онгида чуқур из қолдирган ва қисқа муддат ичида қонунга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришиш жуда қийин. Эндиликда ҳуқуқий тарбия борасида узок вақт, доимий ва тинимсиз ишлаш, фуқароларни қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлишга кўниктириш юзасидан бетиним меҳнат қилиш зарурдир.

Қонун – нафақат мажбурий ҳуқуқий фармойиш, балки халқ иродасининг ифодаси ҳамдир. Уни халқ сайлаган парламент қабул қилади. Давлат ҳокимиятининг ҳам, қонуннинг ҳам манбаи халқдир. Унинг замирида қонуннинг устунлиги ғояси ётади. Халқ манфаатлари ва хоҳиш-иродасидан устун турувчи нарса бўлиши мумкин эмас. Қонунга итоаткор фуқаролар бунини доимо ёдда сақлайдилар. Қонун ва қонунга итоатгўй фуқаролар ҳаракатларидаги ҳамжиҳатлик ҳуқуқий давлатга куч-қувват бағишлайди.

Қонунга итоат этиш ҳуқуқий маданиятнинг асосидир. Давлат аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласини кўйиб, қонунга кўр-кўрона итоаткор бўлишни эмас, балки фуқароларнинг унинг талабларини онгли равишда бажаришларига эришмоқда. Фуқароларнинг қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг маъноси ва аҳамиятини англаб етишлари муҳимдир.

Аммо янада муҳими шундаки, бу уларнинг эътиқодига айланиши керак, зеро ана шундагина фуқаро ўзининг ҳаётий фаолиятида қонун нормаларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилади. Мана шундагина ҳақиқий юксак ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгнинг муносиб даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни билишлик фуқаролар кундалик ҳулқ-атворларининг қонун ҳужжатларидаги талабларга мувофиқлашувига, ҳар хил ҳаётий вазиятларда ўзларини тўғри тутишларига имкон беради.

Биз демократик ҳуқуқий давлат қурилаётган мамлакатда яшамокдамиз. Бу адолатли фуқаролик жамияти сари бораётганлигимизни, унда тараққий этган, адолатли қонун ҳукмрон бўлишини билдиради. Ўз навбатида, бу фуқароларга нисбатан талабларни оширади. Улар ўз давлатининг қонунларини билишлари ва уларга сўзсиз риоя этишлари керак. Қонунчилик ва ҳуқуқий маданиятни тараққий эттириш ва такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ягона йўлидир.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” доимий фаолият кўрсатувчи кенг қамровли тизимни барпо этишга қаратилган. У аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишни, фуқаро, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳамжиҳатликни таъминлашни, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришни, давлат аппарати ходимлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишни, ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, уларнинг малакаларини оширишни, ҳуқуқий маданият соҳасида илмий изланишлар олиб боришни кўзда тутди.

Дастур барчани ва ҳар бир инсонни юридик тараққиётнинг истиқболи ҳақидаги билимлар билан қуроллантиришга даъват этади. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги қарор аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар қисқа муддатли "кампания" эмас, балки

давлатнинг маълум мақсад сари йўналтирилган стратегик курси, жамият фаолияти ва ҳаётида қонуннинг устунлигини таъминлаш борасидаги кундалик меҳнат эканлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, қонунда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган савол-ларга жавоб бор. У ягона адолатли мезондир. Шунинг учун аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни, аҳолига оммавий-ҳуқуқий таълим беришни кенгайтириш давлатнинг бирламчи вазифасидир. Шу мақсадла "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" мактабгача тарбия муассасалари, олий ўқув юртлиари ва умумтаълим мактабларида ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия борасида юридик билимларни тест синови ва давлат имтиҳонлари тарзида жорий этиш, педагогларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш, илмий ноширликни, илмий-оммабоп юридик адабиётларни, маълумотномаларни кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия кампания тарзида эмас, балки маълум мақсадни кўзлаб, режали ва самарали тарзда, турли ижтимоий гуруҳларнинг хусусиятларини инобатта олган ҳолда олиб борилиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳали ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарбия масалалари бўйича ўтказилаётган илмий изланишлар етарли эмас. Ҳуқуқий давлат, қонун ва Конституция галаби нуқтаи назаридан юридик ҳужжатлар, ҳукм ва суд ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини яхшилаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат қилиш сифатини кўтариш, ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш, ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш бўйича катта ишларни амалга ошириш мумкин.

Бу ишда юристлар ва уларнинг уюшмалари ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқлари зарур. Юристларнинг касбий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онига ижобий таъсир кўрсатишни назарда тутди. Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия узоқ давом

этувчи, изчил, оғир ва кўп қиррали жараёндир. У ҳуқуққа оид ишлар савиясини кўтаришни, барча фуқаролар, мансабдор шахслар ва жамиятнинг Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилишларини талаб қилади.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда юридик ахборот тизимининг пухта ишлаб чиқилган бўлиши катта аҳамиятга эга. Ҳозир Ўзбекистонда ўнлаб юридик журнал ва газеталар нашр этилмоқда, яқин ўтган йилларда бундай нашрлар умуман йўқ эди. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур нашрларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг баланд нархларда эканлиги сабабли кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшларга етиб бормаяпти. Шу боисдан мактаб ва бошқа ўқув юртларини газета ва журналлар билан бепул таъминлаш имкониятлари тизимини ишлаб чиқиш зарурияти туғилмоқдаки, бу нарса, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини беради, зеро бунда ўқувчилар учун мана шу нашрлардан кутубхоналар орқали фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳуқуқий мавзуга радио ва телевидение ҳам кўпроқ эътибор қарата бошлади. Телевидениенинг қонунчилик ва ҳуқуқни тарғиб қилувчи, юридик саволларга жавоблар берувчи кўрсатувлари аҳоли орасида борган сари кўпроқ қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиздаги демократиянинг даражасини, инсон ҳуқуқларининг аҳволини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни акс эттирувчи кўзгудир. Халқаро экспертлар Конституциямизни юқори баҳолаб, унинг вақт синовидан ўтганлигини, барқарорлигини, конституциявий демократик қонунчиликнинг намунаси, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат эканлигини эътироф этмоқдалар. У мамлакатимиз фуқаролари томонидан демократик асослар ва принципларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни мустаҳкамловчи ҳужжат сифатида қабул қилинди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир. Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати муайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онгини тақозо қилади. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келув-чи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради.

Шахснинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасидир. Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқий маданият бир неча махсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: регулятив, норматив, социологик, прогностик.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бундан ташқари Президент Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бўзилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тўзиш тўғрисида”, 1997 йил 21 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”, 1997 йил 22 июлда “Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида” қарорлар қабул қилинди.

Шундай қилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

II БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ- ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Ҳуқуқий таълим технологияси ва унга қўйиладиган асосий талаблар

Ўқув-тарбиявий ишида муваффақиятли натижаларга эришишнинг асосий шарти – бу ўқувчиларнинг маданияти, билим доирасининг кенг булиши, билимдонлиги, унинг аклий, маънавий ва гоъвий-сиёсий кифоаси, педагоглар малакасидир. Уқитувчиларнинг мана шу сифатлари таълим технологиясини амалга ошириш, ўқувчиларни муваффақиятли уқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг дастлабки шартидир.

Ҳуқуқий таълим стандартида кайд этилган билим, куникма ва малакаларни шакллантиришда таълим технологияси билан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки таълим технологияси ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини чуқур эгаллаши учун зарур педагогик–психологик имкониятларининг бурча жихатларидан тула фойдаланишни уз ичига олади. Таълим технологияси – бу ўқув-тарбия жараёнини бошқариш воситалари, таълимни ташкил этишнинг самарали шакллари, урганиш усулари, шунингдек, ўқув материалт мазмунининг чуқур ва пухта узлаштирилишини таъминлаш борасидаги ижобий натижаларга эришиш йулларининг кенг камровли бирлигидир.

Ҳуқуқий таълим технологиясига қўйиладиган асосий талаблар:

- ўқув тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарснинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларини тугри белгилаш;
- дарсни сифатли ташкил қилиш, уқитувчи ва ўқувчининг дарсга тайёргарлик фаолияти билан боғлиқ омилларни эътиборга олиш;

-укитувчи ва ўқув материални илмий- назарий, педагогик-психологик аспектларда тушунтириш ва баён эта олиши;

- ўқитишнинг усуллари ва ташкилий шакллари хилма-хиллаштириш (индивидуал, оммавий);

- дарсга қўйиладиган талаблар: илмийлик, тушунарлилик, кургазмалилик, дидактик мамойилларни амалга ошириш;

- дарсда ўқувчиларни ўқув материални узлаштириш учун ижобий психологик икмил яратиш;

- ўқитишни ташкил этиш шакллари (маъруза, семинар, амалий машғулот, маслахат, суҳбатлар ва бошқалар) дан фойдаланиш;

- ўқувчиларни фаол билим куникмасига кизиктириш ва раҳбарлантириш;

- ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига каратилган укитиш усуллари куллаш (вазифа шартларини мустикал ифода килиш, муаммоли вазиятларни хал этиш, кизикарли суҳбатлар утказиш, узаро ёрдам бериш);

- ўқитишда техник воситаларни куллаш, дарсга кизикарли уйин ва масалаларни киритиш;

- мустикал билим олиш, дарслик, давлат ва ҳуқуқ буйича тузилган луғатлар, ҳуқуққа оид қўлланмалар билан ишлаш кўникмаларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш;

- дарсдан ташқари вақтларда ҳуқуқни муҳофаза килувчи органлар билан турли хил ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ташкил этиш;

- таълим сифатини текширишнинг хар хил воситалари (баҳолаш меъёри критериялари, назорат текстлари)дан фойдаланиш.

Ҳуқуқий таълим стандартларини амалиётга тадбик этилиши ва ҳуқуқий таълим стандартида курсатилган талабларнинг бажарилишини таълим жараёнига жорий этилиши қуйидагиларни таъминлайди:

- илмий асосланган ҳуқуқий таълим дастури ва ўқув-услубий материаларни ишлаб чиқишни;

- ўқувчиларнинг ҳуқуқий таълим буйича эгаллаши лозим бўлган билимларни ва зарур минимал тайёргарлик даражасига эришишни;
- таълим жараёнига тадбиқ этиладиган ўқув материални аниқлаш ва тинглашни;
- ўқувчиларнинг ёшига мос ва мувофиқ келадиган ҳуқуқий билимлар беришни;
- ҳуқуқий таълим тарбияни амалга оширишни, ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда илгор ва мақсадли педагогик-психологик, ўқув-услубий имконият ва тажрибалардан унумли, уз вақтида фойдаланишни;
- умумий урта таълим мактабларида ўқувчиларнинг ҳуқуқ фанини ўрганиш ва узлаштири ҳолатларини назорат қилишни таъминлайди.

Ҳуқуқий таълим стандартида кўрсатилган талабларнинг бажарилишини текшириш — ўқувчиларнинг таълим жараёнида эгаллаган ҳуқуқий билимларини аниқлаш ва боҳолашда, ҳуқуқий онг нечоғли даражада шаклланганлигини ва ҳуқуқни маданиятлилиқ фазилатларининг қай даражада таркиб топганлигини билишда текшириш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Текширишнинг асосий мақсади — бу энг аввало, ўқувчиларнинг билимлари, қуникма ва малакалари сифатини оширишдир. Текширишнинг қатъий моҳияти муваффақиятлар ва муваффақиятсизликнинг сабабларини чуқур таҳлил қилишдир.

Ўқувчиларнинг эгаллаган ҳуқуқий билимлар даражасининг аҳолини атрофлича таҳлил қилишгина объектив педагогик ҳулосалар чиқаришга асос бўлади. Шунингдек, тавсия этилган ўқув материали юзасидан ўқувчилар олган билимларни тугри баҳолаш учун имконият яратади.

Демак, таълим-тарбия жараёнига фаол аралашуш ва текширишни қучайтириш орқалигина қучли ва буш ўқувчиларни билиш мумкин. Бунда,

юксак натижаларга эришишга халакит бераётган сабабалар йигиндисини топиш, уларни бартараф килишга имкон берувчи йуллар аникланади.

Текширишнинг энг муҳим вазифалари:

- ўқувчиларнинг билим, куникма ва малакалари сифатига, уларнинг усишига ва тарбия олишига, стандарт, дастур талабларининг бажарилиши сифатига ижобий ва салбий таъсир килувчи омилларни билишдан иборат;

Ўқув материални ўрганиш, таълим ва тарбия вазифаларнинг хал килиниши сифатини тахлил килиш, ўқувчилар томонидан янги материални тушуниш, умулашмалар хосил килиш, илмий тушунчаларни шакллантириш, ҳуқуқий билимларни мустаҳкамлаш, куникма ва малакаларни таркиб топтириш, уларнинг узлаштирилишини объектив баҳолаш оркали стандартда кайд этилган талабларнинг бажарилишига эришилади.

Ҳуқуқий таълим стандартига қуйилган талабларга тайёргарлик даражаси қуйидагича текширилади ва аникланади: 1) савол ва топшириқлар бериш; 2) назорат тести; 3) суҳбатлар ўтказиш оркали; ҳуқуқий мавзуларда коллоквиумлар ташкил этиш; 4) ҳуқуқий мавзулар бўйича ёзма иш олиш.

2.2. Бошланғич синфда ўқитиладиган фанларнинг ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш имкониятлари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан чоп этилган (Тошкент – 2001) “Мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун зарур булган дастурлар, методик кўрсатмалар, дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар ва дастури” тўпламида кўрсатилишича, бошланғич таълим (1-4 синфлар) “Конституция алифбоси” мазмунида амалга оширилиши керак. Бунинг учун дастурда 40 соат вақт ажратилган бўлиб, ҳар бир синфда 10 соатдан дарс ўтилиши кўрсатилган.

Барча синфларда 1-дарс ўқув йили бошланиши, яъни билимлар байрамига ва Мустақиллик байрамига бағишланади. Ушбу машғулотда янги ўқув йилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача фикр юритилади. Асосий мақсад эса мустақиллик кунининг аҳамияти “Давлат ва унинг рамзлари” маъно ҳамда моҳиятини ифодалашга қаратилади.

Юкорида таъкидлаганимиз Конституция алифбоси ўқув курси учун 40 соатлик дарс машғулотлари қуйидаги тартибда олиб борилади:

1-синфда 4 соат “Она тили” дарси ҳисобига ўтилади. Шу вақт ичида ўқувчиларга қоида тушунчаси, ўқувчи кун тартиби, ўқувчилар қоидаси, мактаб мулки, мулкка муносабат, меҳнат килиш, билим олиш, соғлиқни сақлаш, Конституция тушунчаси, Конституция – бахтимиз қомуси, Асосий Қонунизмиз, давлат байроғи, герби, мадҳияси, давлат бошлиғи, давлат бойликлари, давлат тили, ҳуқуқ ва бурч, ота-онанинг фарзандлар олдидаги фарзандларнинг эса ота-она олдидаги бурчлари мавзулари асосида асосий тушунча, билим, малакалар берилади ва шакллантиради.

Сўнгра тўрт соатга мўлжалланган “Атрофимиздаги олам” дарсида ўқувчилар қуйидаги масалалар буйича билим олишлари, тушунчаларга эга булишлари керак: атрофимиздаги олам тушунчаси, атроф-муҳит тушунчаси, табиатни муҳофаза килиш тушунчаси, Ўзбекистонда табиат муҳофазаси, дам олиш, электр буюмларидан фойдаланишдан техника хавфсизлик қоидаларига риоя килиш, мактабда, синфда тартиб-интизом қоидалари, уйда, меҳмонга борганда ўзини тутиш қоидалари, транспорт воситаларида ўзини тутиш қоидалари, кўча ҳаракати қоидалари.

Биринчи синфда ўқитиладиган “Конституция алифбоси” ўқув курсининг машғулотлари “Одобнома” дарси мавзулари билан якунланади. Ўқувчилар 2 соат давомида “Оила – муқаддас даргоҳ”, умумий мавзу асосида “Бизнинг оила”, “Ота-онага ҳурмат”, “Ака-ука”, “Опа-сингил”ларга муносабат қоидаларини ўрганиб оладилар. Бунда бериладиган билим доирасида “Оила – жамиятнинг асосий бўғинидир” деган Конституциявий

қоидани бола ешига мос тушунтирилиши, “Меҳнатдадир кўп ҳикмат” мавзусида ҳар бир шахс меҳнат килиш, эркин касб танлаш ҳукукига эга эканлиги жонли мисоллар, макол ва кўргазмали расмлар асосида баён этилиши керак.

Одобнома дарси “Ўзбекистон – менинг Ватаним”, “Ватан ҳимоячилари” мавзуларини ўқитилиши билан якунланади. Ушбу энг муҳим мавзулар ўқитилиши жараёнида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраш, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиши ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси билан боғлаган ҳолда тушунтирилиши лозим.

2-синфнинг 2 соатлик ўқиш дарсларида қуйидаги йўналишлар бўйича билим кўникмалар бериш назарда тутилган:

1. Ўқув қўлланмасининг “Мактаб” бўлимида Ўзбекистон фуқароларининг билим олиш ҳуқуқи, мулк тушунчаси, мактаб биносининг, парта ва стулларнинг мактаб мулки эканлиги уларни эҳтиёт килиш зарурлиги, китобларни авайлаб-асраш кераклиги, ўзининг ва ўртоқларининг мулкига муносабат.

2. “Нима яхши-ю, нима ёмон?” бўлимида “Ўғрилиқ ва жиноят”, “Жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари”, “Тўғрилиқ жиноятчиликдан саклайди”, “Мен яхши инсон бўламан”, “Яхши инсон тушунчаси”.

3. “Қумуш киш”, “Қуш ва ҳайвонлар бизнинг дўстимиз” бўлимида “Табиатни авайлаб – асраш муқаддас бурч эканлиги”, “Кизил китоб” тушунчаси бу китобда номлари келтирилган табиат жониворларига тажовуз килиш энг оғир жиноят эканлиги, “Мен қушларни асрайман, улар менинг дўстимдир” мавзусида суҳбат.

4. “Зумрад баҳор” бўлимида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, ота-онани эъзозлаш зарурлиги, отасизлик онасизлик ачинарли ҳолат эканлигини бола калбига сингдириш.

5. “Ўзбекистон – менинг Ватаним” бўлимига, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиши, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшишининг олий бурч эканлиги, халқлар, турли миллатлар ўртасига раҳна солишининг жинойт эканлиги.

6. “Ёз – ўтади соз” бўлимида, “Кўча ҳаракати қоидаларига амал қилиш – Қонун талаби эканлиги”, “Кўча ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик оқибатлари” видеолавҳалар, кўргазмалар асосида тушунтирилиши зарур.

3 соатлик “Она-тили” дарсларида “Давлат тили тушунчаси”, “Ўзбек тили – давлат тили эканлиги”, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллари тилларини камситилмаслиги ўргатилади. Шунингдек “Ўзбек алифбоси ёки алфавит бўлимида”, “Конституция ва Қонун тушунчаси”, “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Қонунинг бажарилиши ҳамма учун мажбурийлиги.

“Предметни билдирадиган сўзлар” бўлимида “Армия”, “Мудофаа” тушунчалари “14 январ – Ўзбекистон Қуролли кучлари куни” эканлиги шеърлар, манбаалар, расмлар кўргазмалар асосида ўқувчилар билан бахс мунозара шаклида машғулотларни ташкил этилиши яхши натижалар беради.

2 соатлик дарс машғулolarига мўлжалланган “Атрофимидаги олам” мавзусида “Табиатни муҳофаза қилиш” тушунчаси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун, мазкур Қонунни бузганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги каби мавзулар устида тушунча ва билим берилади, кўникмалар ҳосил қилинади. Шунингдек, “Ота-оналар касби” мавзусига боғлаган ҳолда “Касб тушунчаси”, “Меҳнат қилиш ҳуқуқи”, “Касб танлаш эркинлиги”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш” дам олиш ҳақида фикр юритилади, билим берилади ҳамда бахс-мунозара ташкил қилинади.

Иккинчи синфда ҳам якуний дарс сифатида “Одобнома” дарси ўтилади. Дарс жараёнида асосан “Фарзанд бурчи”га ўқувчилар диққати

каратилади. Бунда “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, деган Конституциявий қоида мавжудлиги таъкидланади. Энг асосийси, фарзандларнинг ўз ота-онасига меҳрибон бўлиш кераклиги тушунтирилади.

Учинчи синф машғулотлари 5 соатлик “Ўқиш” дарсидан бошланади. Бунда энг аввало, “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси”ни, “Мадҳия тушунчаси”ни, “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонун, “Мадҳияни ҳурмат қилиш” зарурий шарт эканлиги ҳамда миллий ифтихор, фахрланиш тўғрисида эканлиги баён этилади. Сўнгра қуйидаги тартибда темаларга оид масалалар ўргатилади.

“Ватаним – жаннатмакон Ўзбекистон” бўлимида мустақил давлат тушунчаси, “Мустақиллик тўғрисида”ги Қонун, Мустақиллик куни, давлат байроғи, мустақиллик рамзи эканлиги, давлат герби, давлат тили тушунчаси, “Давлат тили тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Ватан ҳимоячилари бўлимида” Ўзбекистон Куролли кучлари, унинг мақсади, Олий Бош Қўмондон, ҳарбий хизмат тушунчалари. “Ўтмишни ўрганишимиз бурчимиз” бўлимида “Пойтахт тушунчаси”, “Пойтахтнинг Ўзбекистон Конституциясида қайд этилиши”, “Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти”, “Ватанни ҳимоя қилиш – муқаддас бурч”; “Халқ оғзаки ижоди” ва “Сенинг тенгдошларинг” бўлимида “Ўғрилиқ тушунчаси”, “Ўғрилиқ учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги”, “Балоғатга етмаганларнинг ўғрилиқ учун жавобгарлиги”; “Табиатни севинг ва асранг” бўлимида “Табиий бойликлар – Ўзбекистоннинг умумхалқ бойликлари”, “Ер – асосий бойлик”, “Ердан фойдаланиш ҳақидаги талаблар ва бу талаблар бузилишининг ҳуқуқий асослари”; “Нима яхши-ю, нима ёмон?” бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-онани ҳурматлаш, қариганда улар ҳақида ғамхўрлик қилиш бурчи ҳақида.

Икки соатлик “Она-тили” дарсларида қуйидаги масалалар ёритилади ва билимга эга қилинади: “Тап” бўлимида ҳуқуқ тушунчаси, ҳуқуқбузарлик

тушунчаси, тинчликка, халқлар дўстлигига раҳна солиш ҳуқуқбузарлик эканлиги, давлатнинг асосий Қонуни тушунчаси, инсон ҳуқуқи ва бу ҳуқуқларнинг Қонун билан ҳимоя қилиниши. “Сўз таркиби” бўлимида “Қонун” сўзининг шарҳи, Қонунчиликни билиш, Конституция ва Қонунларга риоя қилиши тушунчаси.

“Табиатшунослик” дарсида 2 соат вақт ичида қуйидаги масалалар юзасидан билим берилади:

1. “Табиат нима?” бўлимида инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги, табиат муҳофазаси, табиатга тажовуз қилишнинг ҳуқуқий оқибатлари;

2. “Одам организми ва унинг соғлигини сақлаш” бўлимида табиат инсон ҳаётининг асоси, ўз саломатлигини асраш ва тиклаш, гигиена талабларига риоя қилиши, “Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиши тўғрисида”ги қарорлар.

3. Якуний 1 соатлик “Одобнома” дарсида “Табиатни асраш одоби” мавзуси ёритилади. Бунда фуқароларнинг атроф-табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги (Конституциянинг 50-моддаси) тушунтирилиши лозим.

4-синф дарси ҳам “Ўқиш” дарсидан бошланади. 3 соат давомида қуйидаги масалалар юзасидан билим берилади:

1. “Ўзбекистон – Ватаним маним” бўлимида, Ўзбекистон ёки Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистоннинг расмiiй номи, Ўзбекистон халқи тушунчаси, халқнинг ҳокимият манбаи эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, ҳуқуқ, эркинлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари;

2. “Халқ оғзаки ижоди” бўлимида “Ер – умумхалқ бойлиги, уни авайлаб асраш”, “Экология” тушунчаси, “Табиат муҳофазаси”.

3. “Зумрад баҳор” бўлимида халқ анъаналари, урф-одатлари ва байрамларига нисбатан ҳурмат тушунчаси, байрамларимиз тўғрисида болаларнинг қай даражада билиши қисқа савол-жавоблар орқали аниқланади. Видеолавҳалар ва расмли кўргазмлар асосида бўлим мавзуларига боғлиқ ҳолда янги билимлар берилади;

3 соатлик “Она тили” дарс машғулотида ўқувчиларнинг қуйидаги мавзулар бўйича билим олишлари кузда тутилади:

1. “Мактабим” , “Сўз китобга” , “Китоб – дўстимиз” матнлари устида ишлаш бунда мактаб – умумхалқ мулки, китоб мактаб мулки эканлиги, мулкӣ жавобгарлик тушунчалари қизиқарли ҳамда илмий тарзда тушунтирилиши керак.

2. “Товушлар ва ҳарфлар”, “Бўгин”, “Урғу”, “Алифбо” бўлимида “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

3. “Келишиклар” бўлимида ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчи, ота-онани ҳурмат қилиш, уларга ёрдам бериш тушунчаси, кексаларни авайлаш бурч эканлиги баён этилади.

“Табиатшунослик” фанининг икки соатлик машғулотида қуйидаги масалалар юзасидан билимлар берилади ҳамда мустаҳкамланади.

Мулк тушунчаси, мулкни авайлаб-асраш бурч эканлиги, табиий бойликлар, ҳайвонот олами, фойдали қазилмалар умумхалқ мулки эканлигини, тупроқни муҳофаза қилиш, “Қизил китоб” фалокат белгиси эканлиги.

Одатдагидек тўртинчи синфда ҳам машғулотлар “Одобнома” дарслари билан якунланади. 2 соатлик машғулот давомида “Ватанни севмок иймондандир”, “Меҳнат билан турмуш фаровон”, “Ота-онам давлатим” мавзулари ёритилади. Ватанни ҳимоя қилиш, меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланиш, ота-онага ғамхур бўлиш ўқувчиларга баҳс-мунозара асосида сингдириб борилади.

2.3. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш аниқ педагогик шарт-шароитларни талаб этиб, мазкур жараёни лойиҳалаш алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида биз бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган машғулот ишланмаларидан намуналар келтириб ўтамиз.

1-синф ўқувчилари билан ўтказиладиган “Мулк нима” мавзусидаги машғулот ишланмаси.

Кўзланган мақсад: Ўқувчиларда мулк тушунчасини шакллантириш. Уларда инсоният, ҳар бир давлат, ҳар бир мактаб, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон, шу жумладан ҳар бир ўқувчи мулки нималардан иборат эканлигини билиб олишларига эришиш. Ўқувчиларда барча мулк хилларини асраб-авайлашни, ўзгалар мулкига худди ўзининг мулкига бўлгандек муносабатда бўлишни тарбиялаш. Мулкларга зиён етказиш она заминга, мамлакатга, мактабга, ўзга инсонларга ва шахсан ўзига зиён етказиш эканлигини англатиш. Қонун тушунчасини мустаҳкамлаш. Китоб – мактаб мулкининг энг улуғи эканлигини билдириш.

Керакли ашёлар: еру-осмон, қуёш, ой, юлдузлар, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонлар ифодасидаги рангли расмлар, жадваллар: Ўзбекистон давлати мулкларини, мактаб мулкларини, ўртача турмуш тарзида ҳаёт кечрувчи оила мулкларини, мактаб ўқувчиси мулкларини тасдиқловчи рангли жадваллар, карточка(варакача)лар тўплами, қайчилар, елим(клей), оқ қогоз варақлари, барча мулк хилларини ифода этувчи видеофильмлар, ўқув фильмлари(имконият даражасида).

Машғулотни ўтказиш тартиби.

Биринчи тадбир: иштирокчилардан ташкил топган жуфтликлар ҳосил килиши ва ҳар бир жуфтга, “Инсоният мулки, Ўзбекистон мулки, мактаб мулки, оила мулки, ўқувчи мулки” намуналари акс эттирилган (рангли тасвирли) карточка (варақча)лар тўпламидан бериш, мазкур тўпламларни қирқиш йўли билан карточка(варақча)ларга ажратиш, уларнинг ҳар қайси гуруҳини оқ қоғоз варағига елим исрофгарчилигига йўл қўймасдан сифатли ёпиштириш.

Иккинчи тадбир: ҳар бир жуфт иштирокчиларига 1 дан 5 гача рақамланган оқ қоғоз варақларидан беринг ва карточкаларда(варақча)ларда кўрсатилмаган учтадан мулклар номини қуйидаги тартибда ёзиб чиқишларини айтинг:

1 рақамли қоғозга она-замин мулкидан, 2 рақамли қоғозга Ўзбекистон давлати мулкидан, 3 рақамли қоғозга мактаб мулкидан, 4 рақамли қоғозга оила мулкидан ва 5 рақамли қоғозга ўзларининг шахсий мулкидан. Барча варақларни йиғиб олиб ўқувчилар фикрлашлари асосида яратган мустақил ишларини фикран баҳоланг ва энг намуналиларини барчанинг қарсаклари остида тақдирланг, ўта камчиликка йўл қўйган жуфтликларга эса ранжитмаган ҳолда танбеҳ беринг.

Учинчи тадбир: иштирокчилардан уларнинг мактабларида тузилган “Камолот” ёшлар ташкилоти аъзолари, ҳар ойнинг биринчи ҳафтаси биринчи ўқиш кунда ўқувчиларнинг китоб-дафтарлари ва бошқа мулклари тозаллигини, усти-бош кийимлари ҳолатларини текшириб туришга қарор қилганликларини тасаввур этишларини айтинг. Ёшлар ташкилоти аъзолари ҳар бир ўқувчи мулкини озода ва тўғри сақланишини хоҳлайди. Карточкаларда сайланган рамзий кишилар томонидан тавсия этилаётган “Талаб ва Истаklar” рўйхати тақдим килинган расмий шахслар болаларга ўзларининг эътиборидан четда қолган таклифларни қўшиш имкониятига эга эканликларини билдирганликларини айтинг.

Жуфтларга, яна қандай учта ҳолатни қўшишлари мумкинлигини ва уларни тоза карточкаларга охиригача ёзиб қўйишни биргаликда ҳал қилишларини илтимос қилинг.

Тўртинчи тадбир: иштирокчилардан уларнинг мактаби маъмурияти ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорликда мактаб мулкини кўз қорачиғидай сақлашга, уларга нисбатан яхши муносабатда бўлишга қарор қилганликларини тасаввур этишларини илтимос қилинг. Маъмурият ва ота-оналар рўйхатда кўрсатилган 14 та банддан 12 тасини бажарсалар ҳам рози бўлишларини гуруҳга эълон қилинг.

Бу ҳолда ўқувчилар қайси 2 та бандини олиб ташлашни маъқул кўрадилар, жуфтликлардан шуни ҳал қилишни илтимос қилинг. Тўғриланган карточкаларни йиғиб олинг, мулоҳаза юритинг ва намунали кискартирган жуфтликлар ҳаракатини ҳамманинг қарсақлари остида тақдирланг.

Бешинчи тадбир: қуйидаги масалаларни ҳамма гуруҳлар билан муҳокама қилинг:

- биринчи ўринда қайси мулк номлари Сизни уйлантирди? Нима учун?
- иккинчи ўринда мустақил ишларни бажаришда қийинчилик қайси мулк хилида кўпроқ юз берди? Нима учун?
- “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати талаб-истакларини бажариш кўпроқ фойдалими ёки мактаб маъмурияти ва ота-оналар қўмитаси талаб-истаклариними? Нима учун? Ёки ҳар иккаласининг талаб истакларини бажариш кўпроқ фойдалими? Нима учун?

Мавзуни тушунтиришни якунлашдан олдин ўқувчиларга ўқув қўлланмасидаги қуйидаги фикрларни эслатинг. “Ҳар куни Сиз кўп нарсаларни кўрасиз. Буларнинг барчаси мулк деб аталади. Мулклар она-заминда, давлатимизда, мактабда, оилада ва ҳар бир инсонда, шу қатори Сизда ҳам мавжуд. Мулкларни биз қандай мулк бўлишидан ва кимнинг мулки бўлишидан қатъий назар авайлаб-асрашимиз керак. Анвар ва Баҳромларнинг мулкка муносабатларини уйда ўқиб фикр юритишини айтинг.

Мулкларни авайлаш, уларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш қонун-қоидаларини ҳам мавжудлигини изохланг. Қонун нима? Сўровни беринг. Унга китобларида берилган (тўқ рангда) жавоб эканлигини айтинг ва уларни билиб олишларини буюринг. Қонун ҳар бир инсон бажариши шарт бўлган ва давлат томонидан ўрнатилган тартибдир. Бу ифодага яқун фикр сифатида давлатимизнинг Асосий қонуни Конституциямизнинг 15-моддасидаги қуйидаги жумлаларга ўқувчилар диққатини қаратинг. “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва Қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. Шунингдек, ўқувчиларга Конституциянинг 16-моддасидаги қуйидаги жумлаларни ҳам айтиш ўринлидир: Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқук ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талкин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам Қонун ёки бошқа норматив ҳуқукий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”.

Демак, Сизлар ўрганган қоида, Қонун тушунчалари ҳам ҳаётий зарурат тушунчалари экан, жумлалари билан мавзунини тушунтиришни яқунланг.

Бошланғич синфларнинг 2-синф ўқувчилари учун “Ҳуқуқ ва бурч уйин варакачалари” машғулоти ишланмаси.

Кўзланган мақсад: Конституциядаги ҳар бир ҳуқуққа мувофиқ бурч ҳам борлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш. Ҳуқуқ ва бурч қонунлар табиатидан, ҳаётий заруратдан белгиланади.

Натижа: Келажакда ҳаётда ўз ҳуқуқини ҳимоя қилади ва бурчини виждонан адо этади.

Зарурий ашёлар: 4 кишидан иборат ҳар бир гуруҳ учун гуруҳ карточкалари (40 ўқувчи бўлса 10та, 36 ўқувчи бўлса 9 та, ҳар 4 ўқувчига

1та) ўқитувчи ушбу гуруҳлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Конституция моддаларидан исталган 9 та ёки 10 тасини (гуруҳ сонига) танлаши мумкин; 4 кишидан ҳар бир гуруҳ учун 6 маротабадан нусха кўчирилган “Бурч” карточкаларининг керакли сони тайёрланади (каламлар ёки ручкалар).

Машгулотнинг бориши.

Биринчи тадбир. Таркиби 4 кишидан иборат гуруҳлар ташкил этилсин. Ҳар бир гуруҳга Конституция моддалари ёзилган ва бир-биридан фарқ қиладиган 9 дона ёки 10 донадан (синф ўқувчиларининг умумий сонига мувофиқ) гуруҳ карточкаларини беринг. (Ҳар бир карточка алоҳида қирқилган бўлиши керак). Ҳуқуққа оидларини алоҳида, бурчга оидларини алоҳида ажратишларини айтинг. Ўзингиз ҳар икки мазмундаги мисолни олдиндан айтинг.

Иккинчи тадбир. Бу тадбирнинг мақсади 9 та ёки 10 та ҳуқуқнинг ҳар бирига мос келадиган 3 тадан бурч танлаш. Буни гуруҳ икки йўл билан амалга ошириши мумкин ёхуд ҳар бир иштирокчи ҳуқуққа доир 3 та карточка билан алоҳида ишлайди, ёхуд жуфт-жуфт 6 та карточка билан ишлайдилар. Агар лозим бўлса гуруҳга ҳуқуқларга мос келадиган бурчлар турларига доир мисолларини беринг. Масалан: Конституциянинг 64 моддасида шундай дейилади: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” (Бу болаларга берилган ҳуқуқ); шу билан бирга уларга қуйидаги бурч ҳам алоқадордир: “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар” (66-модда). Ҳар бир бурч алоҳида карточкаларда ёзилган бўлиши керак. Улар тугатганларидан сўнг 4 кишидан иборат ҳар бир гуруҳда “Бурч”га доир синф ўқувчиларига тенг миқдорда карточкалар бўлиши керак. Бу тадбир кўп вақт олиши сабабли ўқитувчи карточкалар ўйинини давом эттиришни кейинги дарсга қолдириши мумкин.

Учинчи тадбир: гуруҳларга “Ҳуқуқ”га доир карточкаларни жамлашни таклиф қилиб, улар аралаштирилади ва ҳар бир гуруҳ аъзосига учтадан

тарқатилади. Қолган “Бурч”га доир карточкалар юз томони билан пастга қараган ҳолда стол марказига қўйилади.

Туртинчи тадбир: ўйин мақсади қуйидагича бажарилсин. Ҳар бир ўйинчи учтадан “Мажбурият”лар карточкаларини шундай тарзда танлаб олсинки, уларнинг ҳар бири “Ҳуқуқ” номли карточкаларда қайд этилган ҳуқуқларнинг ҳар бирига бевосита алоқадор бўлсин. Ёхуд “Мажбурият”лар карточкасидан биттасини олсинки, бу карточка “Ҳуқуқ” карточкасининг учтасига ҳам алоқадор бўлсин. Бу қуйидаги тарзда ўтади: Биринчи ўйинчи чап тарафдаги кўшнисидан унда ўзида бор “Ҳуқуқ” карточкаларига мос келадиган “Мажбурият” карточкаларини бор йўқлигини сўрайди. Масалан, “Менда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ёки билим олиш ҳуқуқи бор. Сизда шу ҳуқуққа тўғри келадиган “Мажбурият” карточкалари борми?” Агарда иккинчи ўйинчида шундай карточкалар бўлса, у уни овоз чиқариб ўқийди. Агарда, иккала ўйинчи карточкалари бир-бирига мос ёки мувофиқ келади, деб ҳисобласалар, иккинчи ўйинчи карточкани биринчи ўйинчига беради. Агарда, иккинчи ўйинчида ундай карточка бўлмаса, унда биринчи ўйинчи стол марказига қўйилган карточкаларидан бирини танлаб олиши керак.

Бешинчи тадбир. Сўнгра иккинчи ўйинчи “ўз навбатида” ундан чапда жойлашган ўйинчига “Мажбурият” карточкаларини сўраб мурожаат қилади, тўртинчи тадбирдаги ҳаракатлар такрорланади.

Олтинчи тадбир. Ўйин доира бўйлаб чап томонга қараб давом этади. “Ҳуқуқ” карточкаларига мос келадиган учта “Мажбурият”лар карточкалардан ҳар бирига мос келадиган битта “Ҳуқуқ” карточкасига эга бўлган ўйинчи, гуруҳдаги бошқа тўртта иштирок этувчи мақсадга эришмагунча ўйинда қолиши зарур.

Диққат! Ўйин вақтида у ёки бу мажбуриятлар “Ҳуқуқ”ларга мос ёки мос келмаслиги хусусида баҳс келиб чиқиши ёки биттадан ортиқ тўғри

жавоб бўлиши мумкин. Ўқитувчи (гуруҳ раҳбари) бу каби тортишувларни кўллаб-қувватлаши керак.

Еттинчи тадбир. Ҳамма гуруҳлар ўйинни тугатганларидан сўнг, кўйидагиларни муҳокама қилинг;

- қайси ҳуқуқлар ўзларига аниқ мос келадиган мажбуриятларга эга?

- қайси ҳуқуқлар учун учтадан мажбуриятни аниқлаш қийин бўлди?

Нима учун?

- Сиз нима деб ўйлайсиз, сизнинг оилангиз, сизнинг ҳуқуқларингизга ёки мажбуриятларингизга кўпроқ эътибор берадими? Мактабда-чи?

- Нималар халакит беради?

Вариантлар: гуруҳ аъзолари “Мажбурият”лар карточкалари билан боғлиқ бўлган ўйинни тамомлашгач, ўзларидаги карточкалари тўпламини бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштиришлари мумкин, Бу орқали улар мажбурият билан боғлиқ бўлган вазифалар билан танишиб чиқиш имконига эга бўладилар.

Қўшимчалар: иштирокчилар ёшлар гуруҳи, жамоа, оила аъзолари сифатида эга булган ўн та энг муҳим мажбуриятлар рўйхатини ёзишларини илтимос қилинг.

Буюк Британиялик ўн ёшли бола тенгдошлари билан мактабда қилган фойдали ишлари тақдирланганидан фахрланиб шундай деб ёзади; “Авваллари мен кичкинаман ва ҳеч кимга қизиғим йўқ, деб ўз муҳимлигини ва масъулиятга эга эканлигимни ҳис қиламан”. Ўқувчиларнинг ҳар бирига уйларида ўз муҳимлигини ва масъулиятга эга эканликларини ёзма тарзда баён қилиб келишларини уй вазифаси қилиб беринг.

Саккизинчи фаолият: ҳуқуқ ва мажбуриятлар уйин варакачалари.

“Мажбурият” карточкалари (ҳар бир гуруҳ учун олти та нусхадан тайёрлансин.

Мендамажбурият бор! Менда.....мажбурияти бор

Менда.....мажбурияти бор! Менда.....мажбурияти бор

Менда..... мажбурияти бор! Менда.....мажбурияти бор

Мавзуни тушунтириш борасида ўқитувчи қуйидаги ҳолатларга ҳам аҳамият бериши зарур: Конституциянинг иккинчи бўлим умумий қоидалар бобида (5-боб) 18, 19, 20-моддалар, “Фуқаролик” бобида 22, 23, моддалар, “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” бобидаги 24, 25, 28, 29, 30, 31-моддалар, “Сиёсий ҳуқуқлар” бобидаги 32, 33, 34, 35-моддалар, “Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар” бобидаги 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42-моддалар, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари” бобидаги 43, 44, 45, 46-моддалар ва “Фуқароларнинг бурчлари” бобидаги 47, 48, 49, 50, 51, 52-моддалар, “Оила” бобидаги 63, 64, 65, 66-моддалар; “Инсон ва фуқароларни асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”га бағишланган.

3-синф ўқувчилари учун “Қуш ва ҳайвонлар бизнинг дўстимиз” мавзусида машғулоти ишланмаси.

Кўзланган мақсад: ўқувчиларнинг бу борада 1-синфда олган билим ва тушунчаларини мустаҳкамлаш, янада кенгайтириш ва бойитиш. Қуш ва ҳайвонларнинг инсонларга дўстлигини мисолларда кўрсатиш, қушлар ва ҳайвонларни асраб-авайлаш, уларнинг қўпайишига қўмаклашиш, боқиб ўлғайтиришда ёрдамлашиш тарбиясини бериш. Қушларни қийнаш, ўлдириш гуноҳ, ёмон иш эканлигини аниқлаш. Қанча учрайдиган, ноёб қушларнинг асраш, уларни қўпайтиришга қўмаклашиш кераклиги «Кизил китоб»да ёзиб қўйилганлигини билдириш.

Натижа: қуш ва ҳайвонларни асраб-авайлаш, боқиб қўпайтиради ҳамда уларни қийнашга йўл қўймади.

Керакли ашёлар: фойдали ва зарарли қушлар номи, улар фаолияти ифодаси акс эттирилган карточкалар, жадваллар, рангли расмдаги

кушлар,хайвонлар акс эттирилган жадваллар,карточкалар. «Кизил китоб» асл нусхаси ёки расми туширилган кургазма.Кушлар ва хайвонлар хакидаги ўқув фильмлари, телефильмлар ленталари ва уларни намоёиш этиш воситалари.

Мавзунини ёритиш тартиби.

Биринчи тадбир: синф доскасига ёввойи хайвонлар расми рангли тасвирда ифода этилган ва тагига номи ёзилган жадвални илинг. Ҳамманинг диққатини унга жалб этинг. Иштирокчилардан ҳар бирига бир варағдан оқ қоғоз бериб, уларнинг ҳар бирини фойдаси ва зарарини ёзиб чиқишларини илтимос қилинг. Ўқувчилар ҳаракатларини айланиб юриб кузатинг ва камчиликларини йўл-йўлакай тузатинг. Ҳаракат якунида ҳамма иштирокида “Қандай хайвонларни ёввойи хайвонлар дейилади”, саволига жавоб олинг.

Иккинчи тадбир. Иштирокчилардан ташкил топган ҳар қайси жуфтлик гуруҳига уй хайвонлари (масалан қўй, эчки, мол, от, туя, қуён, ит, мушук ва бошқалар)номлари ёзилган карточкадан биттадан ва бир варағдан оқ қоғоз беринг. Номлари ёзилган хайвонларнинг фойдаси нимада-ю, зарари нимада, оқ қоғоз варағига ёзиб чиқишларини илтимос қилинг. Ҳаракатларини кузатиб камчиликларини тузатишларида ёрдам беринг.

Учинчи тадбир: ҳар қайси жуфтлик гуруҳига илон, қурбақа, калтакесак, бақа, типратикан, тошбақа номлари ёзилган карточкалар (расми ҳам тасвирланган)дан ва оқ қоғоз варағидан биттадан беринг. Сўнгра иккинчи тадбирдагидек иш тутинг. Ҳаракат сўнггида номлари келтирилган хайвонлар сувда ҳамда қуруқликда яшовчи хайвонлар дейилиши сабабини аниқланг.

Туртинчи тадбир: ўлкамизда учрайдиган қушлар (масалан, какку, уй чумчуғи, зарғалдок, булбул, жиблажибон, қўққарга,читтак, қора қарға, саъва, қорақаптар, мусича, бойқуш, зағизғон, майна, бедана, зағча, оқ лайлак, сассиқпопушак, оқ қанотли қизилиштон, қишлоқ қалдирғочи, қора жарқалдирғоч, ғуррак, қирғовул, илонхўр қуш, каклик, сўфи тўрғай, жаннатқуши) номи расми тагига ёзилган жадвални доскага илинг.

Ҳамманинг диққатини унга жалб килинг, номлари ва тусларини эслаб қолишларини илтимос қилинг. Қўллари (иштирокчиларнинг ҳар бири)га бир варағдан оқ қоғоз бериб, аввал уларнинг фойдасини ва кейин келтирадиган зарарини билганича ёзиб чиқишларини айтинг. Ҳаракатларини айланиб юриб кузатинг, камчиликларини тузатиб олишларига ёрдамлашинг.

Бешинчи тадбир. Иштирокчилардан ташкил топган ҳар қайси жуфтлик гуруҳига уй паррандалари (масалан, товук, ўрдак, ғоз, курка каби) номлари битилган ва расмлари ва рангли тасвирда ифода этилган карточкадан, биттадан ва бир варағдан оқ қоғоз беринг. Уларнинг фойдаси нимада-ю, зарари нимада ёзишларини илтимос килинг. Ҳаракатларини кузатинг ва камчиликларини йўл-йўлакай тузатинг.

Олтинчи тадбир: Ҳайвонлар ва қушлар тўғрисидаги ўқув ва телефильмларини иштирокчилар билан уй топшириғи сифатида улар хонадонларида қандай паррандалар борлигини ва қандай парвариш қилинишини ёзиб келишларини илтимос қилинг.

Ўқитувчи мавзу маъно ва мазмунини ойдинлаштирар экан, асосий мақсад ва талаби ўқувчиларни барча жонзотларни, айникса, уй ҳайвонлари ва паррандаларини, севиб асровчи бўлишларига қаратилиши керак; жонзотларнинг биронтасига ҳам, яшаш шароитларига ҳам зарар етказмаслик зарурлигини аңлатиш даркор; бу борада фойдали ва намунали иш қилиш савоб эканлигини, акс ҳолда гуноҳкор бўлиб қолишларини билдириш зарур. Мамлакатимизда ҳам махсус “Кизил китоб” яратилган бўлиб, унда кам учрайдиган, ноёб қушларни асраш, уларни кўпайтиришга кўмаклашиш кераклилиги ёзиб қўйилганлигини эслатиш лозим.

Ўзбекистоннинг “Кизил китоб”га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган жами 63 тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 сут эмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5тур судралиб юрувчи ҳайвон ва 5 тур балиқ борлигини айтиш ҳам зарур вазифасидир.

4-синф ўқувчилари учун “Пойтахтимиз – Тошкент” мавзусидаги машғулоти ишланмаси.

Кўзланган мақсад: Республика пойтахти – суверенитетининг зарур белгиси эканлигини, Тошкент мустақил Ўзбекистон Республикасининг пойтахти эканлигини ўқувчиларга аниқлаштириш. Тошкентнинг салоҳияти ва гўзаллашиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар бериш.

Натижа: пойтахтимиз ҳақида кенг тушунчага эга бўлади.

Керакли ашёлар: Тошкент шаҳри ифодасига оид бир нечта кўргазмалар. Тошкент шаҳри ҳақидаги ўқув(теле)фильм лентасини ва уни намойиш этиш техник воситаси. Тошкент шаҳри ҳақида туристлар зиёратчилар учун чиқарилган махсус рангли тасвирдаги китобчалар.

Мавзунинг ёритиш ҳаракатлари:

Биринчи тадбир. Синф доскасига қуйидаги маълумотлар битилган кўргазмани илгир: “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг пойтахти-Тошкент шаҳри” деб қонуний равиш белгиланган. Республика пойтахти суверенитетининг зарур белгиси.

Пойтахт бу шаҳар-давлат. Бобомиз Фаробий давлатни шаҳар-давлат деб номлаган. Тошкент шаҳри – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, Тошкент вилояти маъмурий маркази. Республикада энг йирик саноат-транспорт тугуни ва маданият маркази.

Тошкент Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири Тошкент шаҳрининг тарихи 2000 йилдан олдинки даврни қамраб олган бўлиб, бу давр мобайнида унча катта бўлмаган қадимги манзилгоҳ Шарқдаги энг йирик ва гўзал шаҳарлардан бирига айланди”. Матнни барча иштирокчиларга ўқиб берилган ва зарур маълумотларни эслаб қилишларини айтиш.

Иккинчи тадбир: Биринчи кўргазмани иккинчисига алмаштириш. Унда қуйидаги маълумотлар битилган бўлиши керак: “1991 йил 31 августда Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳозир Тошкент

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий маркази хамдир. Бу ерда Ўзбекистон Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг барча марказий идоралари, мамлакатимизнинг илмий ва маданий салоҳияти, чет эл элчихоналари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тизимидаги ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган. Тошкент чет эллардаги биродарлашган шаҳарлар билан дўстона алоқаларни ривожлантиришга анчагина ҳисса қўшмоқда. 9 шаҳар (1995 йил) билан биродарлашган”. Матнни иштирокчиларга ўқиб беринг ва қисқача тушунтириш қилинг.

Учинчи тадбир. Иккинчи кўргазмани қуйидаги маълумотлар битилган учинчисига алмаштиринг: “Тошкентда 820дан зиёд вакиллари бўлмиш 2 миллион 150 мингдан зиёд киши истикомат қилади. Салкам 500 та саноат корхонаси, 284 та қурилиш ташкилоти шаҳарнинг асосий иқтисодий салоҳиятини ташкил этади. Тошкентда 27 та олий, 45 та ўрта махсус ўқув юрти, 43 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди, 12 та театр, 23 та музей, цирк, 4та концерт зали, 2та курғазма зали, 13та истирохат боғи, кинотеатрлар, маданият саройлари пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонхоналарига Ўзбекистоннинг қадимий ва замонавий маданият ва санъати билан ошно бўлиш, шу билан бирга дам олиш, ишдан бўш вақтни кўнгилли ва фойдали ўтказиш имконини бермоқда”. Матнни ва пойтахт шаҳримиз Тошкент салоҳиятига аҳамият беришларини айтинг.

Тўртинчи тадбир. Учинчи кўргазмани тўртинчисига алмаштиринг. Унда қуйидаги жумлалар битилмоғи керак: “Мамлакатимизда мисли қурилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авж олдирилди, Ватанимиз пойтахти ўзига муносиб чирой касб этмоқда. 1991 йил 5 сентябрда Тошкентдаги энг катта майдонни Мустақиллик майдони деб аташ ҳақида Президент фармони эълон қилинди. Шаҳар марказидаги энг катта хиёбон Амир Темури номи билан аталиб, соҳибқиронга ҳайкал

ўрнатилди ва Темурийлар тарихи давлат музейи курилди. Шаҳарнинг олимлар яшайдиган даҳасидаги майдонлардан бирига Мирзо Улугбекка ҳайкал қўйилди. Алишер Навоий номидаги Миллий боғ пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг севимли ҳордик чиқариш масканига айланди. Эски пастқам уйлар ўрнида янги осмонўпар уйлар қад кўтармокда. Ўйингоҳлар, теннис кортлари, спорт соғломлаштириш мажмуалари курилмокда, кўчалар ободонлаштирилмокда”. Матнни ўқиб беринг ва Тошкент салоҳиятига иштирокчилар диққатини яна бор жалб этинг.

Бешинчи тадбир: тўртинчи кўргазмани бешинчисига алмаштиринг. Унда Тошкент шаҳрининг меъморий ёдгорликлари ҳақида маълумот битилган бўлсин: “Кўкалдош мадрассаси Чорсу майдонидаги тепаликда, Шайх Зайниддин бобо макбараси - Кўкча даҳасида, Хўжа Аламбордор макбараси – Камолон кабристонида, Абулкосим шайх мадрасаси – Бешёғоч даҳасида, Юнусхон макбараси – Шайхонтоҳур даҳасида, Қалдигочбий макбараси – ўша даҳада”. Иштирокчиларнинг ўқиб олишларини илтимос қилинг ва Тошкентда бўлганларида зиёрат килишлари мумкинлигини айтинг.

Олтинчи тадбир: синф ўқувчиларининг барчаси иштирокида Тошкент ҳақида фильмни намоиш этинг(эттиринг) ва пойтахт қандай шаҳар эканлиги ҳақида фикр юритишга унданг.

III БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш учун дастлаб тадқиқот фаразига мос методика ишлаб чиқилди. Тажриба-синов ишлари методикаси тажриба-синов ишлари босқичлари, тажриба-синов ишларини ўтказишга доир тарқатма материаллар ҳамда тажриба-синов методларини ўз ичига қамраб олди.

1. Асословчи босқич. Мазкур босқичнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг шаклланганлигини ташхис этиш. Мазкур босқичда қуйидаги вазифалар ҳал этилди: тайёрлов – ташхиснинг мақсад, вазифа, мезон ва методлари аниқланди; изланишли – ташхис объектлари ўрганилди ва олинган ахборотлар тўпланди; таҳлилий – олинган натижалар миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил этилди, улар изоҳланди; изоҳли – режалаштирилган ишларни ўтказишга таъсир этувчи педагогик таъсирларнинг мажмуавий ўлчови аниқланди.

2. Тажриба босқичи. Мақсад – технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш. Тайёрлов босқичида ташхис этилганлари асосида технологик ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш йўллари аниқланди. Шакллантирувчи босқичда танланган методлар ёрдамида ўқувчилар билан фаол иш олиб борилди. Таҳлилий босқичда мазкур босқич таҳлил этилди.

3. Умумлаштирувчи босқич. Мақсад – барча ўтказилган тажриба-синов ишларининг якунини чиқариш. Таҳлилий босқичда тажриба-синов

ишлари ва олинган натижалар таҳлил этилди. Изоҳли босқич асосида ташкил этилган тажриба-синов ишларига доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Муаммони тадқиқ этишга йўналтирилган амалий фаолият бир неча босқичда амалга оширилди. Дастлаб амалга оширилиши зарур бўлган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг умумий даври ва босқичлари белгиланди. Босқичларнинг бегилинишида қуйидаги тамойиллар устувор бўлди:

1. Ҳар бир босқичда аниқ мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишига эришиш.

2. Босқичлар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқлик ҳамда узвийликнинг мавжуд бўлишини таъминлаш.

Муаммога доир манбалар мазмунини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда респондент-ўқувчи ва бошланғич синф ўқитувчиларнинг фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш, улар иштирокида суҳбатлар ташкил этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этиши тахмин қилинди, тажриба-синов ишлари жараёнида эса ушбу фаразнинг тўғрилиги тасдиқланди:

1. Объектив омиллар:

- таълим муассасалари ва оилаларда бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган педагогик фаолиятни ташкил этиш имконияти;

- ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бу борада муайян назарий билим ва методик тайёргарликка эгаликлари;

- бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид манбалар (ўқув ва методик қўлланмалар, тарбиявий тадбирларнинг сценарийлари, ишланмалар ва муаллифлик лойиҳалари);

- бу йўналишда хорижий мамлакатлар ва республикада тўпланган илғор тажрибалар;

- илмий тадқиқотлар, оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение ва Интернет) материаллари;
- дастурлар.

2. Субъектив омиллар:

- таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданият шакллантиришга жиддий эътибор қаратилганлиги;
- ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналар томонидан ташкилотчилик моҳиятининг тўғри англаниши;
- ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бу йўналишда педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш тажрибаларига эгаликлари; таълим муассасаси ва оилаларнинг бу йўналишда ўзаро ҳамкорликка эришганликлари;
- мазкур жараёнда оммавий ахборот воситалари хизматидан унумли фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилишга эгаликлари ва бу борадаги қобилиятларини намоён эта олишлари.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган амалий фаолиятнинг қуйидаги тамойиллар устуворлиги асосида ташкил этилишига алоҳида эътибор берилди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилганлиги.

2. Тажриба-синов ишларини ўтказилишидан кўзланган мақсаднинг аниқлиги.

3. Асосий мақсад доирасида тажриба-синов ишларининг ҳар бир босқичида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларнинг аниқ белгиланиши, яъни, хусусий мақсадларнинг аниқланганлиги.

4. Тажриба-синов ишларининг пухта асосланган лойиҳа асосида йўлга қўйилиши.

5. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг шаклланишини таъмин этувчи шарт-шароитнинг мавжудлиги.

6. Бошланғич синфларда ташкил этилаётган таълим-тарбиявий жараёнларнинг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга доир материаллар билан бойитилганлиги.

7. Бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳуқуқий билимларга эгаллиги ва уларнинг касбий маҳорати даражасининг инобатга олинганлиги.

8. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг шакллантириш жараёнининг изчил, узвий, тизимли ва мақсадга мувофиқ ташкил этилганлиги.

9. Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг динамик хусусият касб этиши.

10. Тажриба-синов ишларини ташкил этишда ўқувчиларнинг шахсий имкониятларини эркин намойиш эта олиш ҳуқуқига эгалликлари.

11. Амалий фаолият жараёнида инсонпарварлик ва демократик ғояларнинг устуворлигига эришиш.

3.2. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлигига доир тажриба-синов ишлари натижалари

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари жараёнида сўровнома, анкета, тест каби тадқиқот методларидан кенг фойдаланилди.

Амалга оширилган педагогик экспериментдан сўнг ҳуқуқ тушунчасининг моҳияти тажриба-синов ишлари якунида ўқувчилар томонидан қуйидагича шарҳланган (3.2.1-жадвалга қаранг):

3.2.1-жадвал

Ўқувчиларнинг “ҳуқук” тушунчасининг моҳиятини англаш даражалари

Т.р.	Тушунчалар	Тажриба гуруҳи N=320		Назорат гуруҳи N=322	
		Жавоблар			
		Тўғри	Нотўғри	Тўғри	Нотўғри
1.	Ҳукуқий онг	164	156	81	241
2.	Ҳукуқий муносабат	157	163	75	247
3.	Ҳукуқий фаолият	153	167	73	149

Ўқувчилардан ҳуқуқий маданиятнинг шакллантиришнинг таъсирчан омиллари ҳақида сўралганда, улар бу саволга қуйидагича жавоб бердилар (3.2.2-жадвал):

3.2.2-жадвал

Ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шаклланишига таъсир қилувчи омиллар ҳақидаги фикрлари

Т.р.	Омиллар	Гуруҳлар			
		Тажриба гуруҳи N=320		Назорат гуруҳи N=322	
		Жавоблар			
		Ижобий	Салбий	Ижобий	Салбий
1.	Ҳуқуққа доир билимларнинг мавжудлиги	136	184	69	253
2.	Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар	286	34	264	58
3.	Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар	282	38	265	57
4.	Ахборот-коммуникация воситалари	141	179	115	207
5.	Оила ва оилавий анъаналар	160	160	132	190
6.	Микромуҳитлар	133	187	118	204

Тажриба-синов ишларининг якуний босқичида респондент-ўқувчилар ўртасида ташкил этилганидек, респондент-ўқитувчилар ўртасида ҳам анкета

сўрови қайта ташкил этилди. Анкета сўровининг қайта ташкил этилишидан кўзланган мақсад – уларнинг бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнида намоён бўладиган ҳолатлар борасида қарашларининг тажриба-синов ишлари ташкил этилганидан кейинги ўзгаришини аниқлашдан иборат бўлди. Респондент-ўқитувчиларнинг улар эътиборига қайта ҳавола этилган саволномага қайтарилган жавоблар моҳияти ҳақида қуйида сўз юритилади. (3.2.3-жадвалга қаранг).

3.2.3-жадвал

**Респондент-ўқитувчиларнинг бошланғич синф ўқувчиларининг
ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнида намоён бўладиган
ҳолатлар тўғрисидаги қарашлари**

Т.р.	Тушунчалар	Респондентлар сони n =86	
		Жавоблар	
		Тўғри	Нотўғри
1.	Ҳуқуқий онг	53	33
2.	Ҳуқуқий муносабат	49	37
3.	Ҳуқуқий фаолият	48	38

Ўқувчиларда тадқиқот муаммосининг таянч тушунчалари моҳиятида намоён бўлувчи сифатларнинг шаклланганлиги борасида педагогларнинг фикрлари сўралганда, улар дастлабки сўров натижаларидан фарқли ва ижобий мазмун касб этувчи фикрларни қайд этдилар. Хусусан, уларнинг фикрларига кўра тажриба-синов ишларининг мақсадга мувофиқ, пухта лойиҳа асосида йўлга қўйилганлиги, шунингдек, уларни ташкил этишда технологик ёндашув имкониятларидан фойдаланиш натижасида ўқувчилар шахсида ҳуқуқий маданиятга доир сифатлар ёрқин намоён бўла бошлади. Ушбу ҳолатлар машғулотлар давомида ўқувчиларнинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиб олиш ва унга амал қилишга ҳаракат қилаётганликларига алоҳида урғу бериб ўтадилар.

3.2.4-жадвал

**Респондент-ўқитувчиларнинг аудтиорадан ташқари фаолиятда
талабаларнинг маънавиятини шакллантириш масалаларига
муносабатлари**

№	Омиллар	Респондентлар сони n=86		
		Жавоблар		
		Ижобий	Қисман	Салбий
1.	Хуқуққа доир билимларнинг мавжудлиги	21	39	26
2.	Хуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар	35	27	15
3.	Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар	68	18	0
4.	Ахборот-коммуникация воситалари	71	11	4
5.	Оила ва оилавий анъаналар	73	9	4
6.	Микромуҳитлар	47	27	12
7.	Хуқуққа доир билимларнинг мавжудлиги	39	33	14

Тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган мезонларнинг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилди. Бошланғич синфлар, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш, респондент-ўқувчи ҳамда ўқитувчилар иштирокида суҳбат, давра суҳбати, дебат, баҳс-мунозара, ва тренингларни ташкил этиш, асословчи тажриба-синов ишлари натижаларини инобатга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг шаклланганлигини аниқлашда қуйидаги мезонларга таянилди:

- 1) ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқликда ҳуқуқий билимларга эгалликлари;
- 2) ҳуқуқий онгнинг дастлабки босқичига эгаллик;
- 3) ҳуқуқий муносабатлар доирасида тўғри ёки хато хатти-ҳаракатни ажрата олиш;

4) инсонлар, тенгдошлари билан муносабатда уларнинг кадр-қиммати, обрўси ва шаънига путур етказмаслик.

Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавиятини шаклланганлик даражасининг сифат кўрсаткичларига мувофиқ математик-статистик метод асосида қайта таҳлил этишга имкон берувчи юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратилди. Хусусан:

1. Юқори даража – ҳуқуқ тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини чуқур англайдилар, уларда ҳуқуқий эҳтиёж юзага келган, ҳуқуқий маданиятни белгилаб берувчи фазилатлар тўлиқ намоён бўлади ҳамда ҳуқуқий фаолиятни аниқ намоён эта оладилар.

2. Ўрта даража – ҳуқуқ тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини етарли даражада англайдилар, уларда ҳуқуқий эҳтиёж юзага келган, ҳуқуқий маданиятни белгилаб берувчи фазилатлар намоён бўлади, бироқ ҳуқуқий фаолиятни аниқ намоён эта олмайдилар.

3. Паст даража – ҳуқуқ тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини қисман англайдилар, уларда ҳуқуқий эҳтиёж вужудга келган, ҳуқуқий маданиятни белгилаб берувчи фазилатлар аниқ намоён бўлмайди, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни аниқ намоён эта олмайдилар.

Респондент-ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси юқорида кўрсатиб ўтилган мезонлар асосида улар фаолиятини педагогик кузатиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, ўқувчилар иштирокида суҳбат, баҳс-мунозаралар, дебат, турли йўналишдаги танлов ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ушбу жараёнда улар томонидан намоёиш этилган хатти-ҳаракатларнинг моҳияти таҳлил қилинди, ўқувчилар фаолиятининг моҳияти ва мазмуни ўрганилди. Умумий таҳлил натижаларига асосланиб, бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шаклланганлик даражаси куйидаги жадвалда ўз ифодасини топди (3.2.5–жадвалга қаранг):

3.2.5-жадвал**Тажриба гуруҳи респондент-ўқувчиларида маънавиятнинг шаклланганлик даражаси**

№	Мезонлар	N=320		
		Юқори	Ўрта	Паст
1.	Ҳуқуқ тушунчасининг луғавий маъноси ва мантикий моҳиятининг чуқур англашганлиги	121	156	43
2.	Ҳуқуқий эҳтиёжнинг юзага келганлиги	103	168	49
3.	Ҳуқуқий маданиятни белгилаб берувчи фазилатларнинг намоён бўлиши	97	175	58
4.	Ҳуқуқий фаолиятнинг намоён бўлиши	74	186	60

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражасининг энг юқори кўрсаткичи бўлган ҳамда 3.2.5-жадвалнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган миқдорлар қуйидаги 3.2.6-жадвалда акс эттирилган .

3.2.6-жадвал**Тажриба сўнгида респондент-ўқувчилар ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси**

Гуруҳ	Тажриба сўнгида		
	Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба n ₂ қ320	74	186	60

Худди шу таҳлитда назорат гуруҳига ажратилган респондент-талабаларда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси сифат кўрсаткичини топамиз (3.2.7-жадвалга қаранг).

4.2.7-жадвал

**Назорат гуруҳи респондент-ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятнинг
шаклланганлик даражаси**

Т.р	Мезонлар	N қ 322		
		Юқори	Ўрта	Паст
1.	Ҳуқуқ тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятининг чуқур англоланганлиги	95	143	238
2.	Ҳуқуқий эҳтиёжнинг юзага келганлиги	74	117	191
3.	Ҳуқуқий маданиятни белгилаб берувчи фазилатларнинг намоён бўлиши	49	105	154
4.	Ҳуқуқий фаолиятнинг намоён бўлиши	33	86	119

Назорат гуруҳи респондент-ўқувчиларида ҳам ҳуқуқий маданият шаклланганлигининг юқори даражаси сифатида бу борада ишлаб чиқилган мезонларнинг сирасида келтирилган сўнгги мезонни танлаймиз ва бу қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (3.2.8-жадвалга қаранг):

3.2.8-жадвал

**Тажриба сўнггида респондент-ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятнинг
шаклланганлик даражаси**

Гуруҳ	Тажриба сўнггида		
	Юқори	Ўрта	Паст
Назорат ($n_1=322$)	33	86	119

3.2.7-3.2.8-жадваллардан келиб чиққан ҳолда 3.2.9-жадвални ҳосил қиламиз ва тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг респондент-ўқувчиларида

ҳуқуқий маданиятни шаклланганлигининг ўртача коэффицентини келтирамиз (3.2.9-жадвалга қаранг):

3.2.9-жадвал.

Респондент-ўқувчиларда ҳуқуқий маданиятни шаклланганлигининг ўртача коэффицентини

Т.р	Гуруҳлар	Тажриба сўнггида			Коэффициент
		Юқори	Ўрта	Паст	
1.	Тажриба $n_2=320$	74	186	60	4,04
2.	Назорат $n_1=322$	33	86	119	3,67

Ушбу миқдорий кўрсаткичлар Стъудент методи асосида қайта таҳлил этилди. Махсус дастур асосида ташкил этилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик фаолият воситасида бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шаклланганининг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида тажриба ҳамда назорат гуруҳларига ажратилган талабалар томонидан қайд этилган миқдорларни 3.2.9-жадвалда ўз ифодасини топган сонларга асосан белгилаймиз.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлиги борасидаги фикрларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида H_0 (бошланғич, яъни, $m_T m_H$ кўрсаткичларнинг ўзаро тенглигини ифодаловчи ғоя) ҳамда H_1 фараз (муқобил, яъни, $m_T > m_H$ кўрсаткичларнинг ўзаро номуносивблиги, хусусан, тажриба гуруҳи респондентлари томонидан қайд этилган сифат кўрсаткичларнинг назорат гуруҳлари респондентлари кўрсаткичларидан юқори эканлигини ифода этувчи ғоя)лар қабул қилинди.

Қўйилган масалани қуйидагича ҳал этамиз: $(x - m_T) - (y - m_H) = x - y$ тушиши лозим бўлган ишончлилик оралиғи:

$$-t_a \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}} < X - Y < t_a \sqrt{\frac{S_T^2}{n_1} + \frac{S_H^2}{n_2}}$$

ни тузамиз. Формула учун қийматларни 4.2.10–жадвалдан оламиз.

Тажриба гуруҳлари учун:

$$\text{Ўртача қиймат: } X = \frac{3 \cdot 60 + 4 \cdot 186 + 5 \cdot 74}{320} = 4,04$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } X^2 = 16,35$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } X^2 = \frac{9 \cdot 60 + 16 \cdot 186 + 25 \cdot 74}{320} = 16,77$$

$$\text{Дисперсия: } S_T^2 = 16,77 - 16,35 = 0,42$$

$$\text{Миқдор: } S_T^2/n = 0,42/320 = 0,001$$

Назорат гуруҳлари учун:

$$\text{Ўртача қиймат: } Y = \frac{3 \cdot 167 + 4 \cdot 94 + 5 \cdot 61}{322} = 3,67$$

$$\text{Ўртача квадрат қиймати: } Y^2 = 13,47$$

$$\text{Ўртача квадрат климат: } Y^2 = \frac{9 \cdot 167 + 16 \cdot 94 + 25 \cdot 61}{322} = 14,07$$

$$\text{Дисперсия: } S_T^2 = 14,07 - 13,47 = 0,60$$

$$\text{Миқдор: } S_T^2/n = 0,60/322 = 0,002$$

3.2.9-жадвал кўрсаткичларига асосан t_2 миқдор α 0,05 дан топилади: $t_2 = 1,96$. У ҳолда ишончилилик оралиғи қуйидагича бўлади: $(-1,96 \cdot \sqrt{0,007}; 1,96 \cdot \sqrt{0,007}) = (-0,16; 0,16)$

Демак, $X - Y = 0,42 - 0,60 = -0,18$ ҳосил бўлган қиймат ишончилилик оралиғига тушмайди.

Олинган натижаларга кўра, H_0 (бошланғич) фараз рад этилади ва унга муқобил бўлган H_1 фараз, яъни, $x > y$ қабул қилинади.

Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижалари бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлининг сифат ва миқдорий даражаси ошганлигини кўрсатувчи хулосанинг ҳаққонийлиги исботланди.

Математик-статистик метод ёрдамида ҳосил бўлган қийматлар бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш соҳасида амалга оширилган тажриба-синов ишлари муваффақиятли ўтказилганлигини тасдиқлади. Бу эса, тадқиқот фарази тўғрилигини асослаш имконини берди.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – жамият ҳуқуқий маданиятининг зарурий шарт-шароити ва илк бунёдкори, унинг мақсади ва таркибий қисмидир. Шу билан бирга у шахснинг ўзининг қонуний фаолият даражасида акс этувчи ҳуқуқий ривожланишининг жиҳати ҳамдир. У жамият ҳуқуқий ҳолати муайян даражасига боғлиқ ҳолда унинг муҳим негизини ташкил этади ва унинг асосида ётади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти амалиётда унинг ижобий ҳуқуқий онгини тақозо қилади. У ҳуқуқ соҳасида жамиятнинг прогрессив ютуқларига мос келув-чи ижодий фаолиятни ташкил этиб, натижада шахснинг доимий ҳуқуқий бойиши рўй беради.

Шахснинг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний қадриятлар тушунчаларининг ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижасидир. Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқий маданият бир неча махсус функцияларни бажаради. Бу функциялар қуйидагилардан иборат: регулятив, норматив, социологик, прогностик.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” давлат сиёсатининг янги ҳуқуқий маънавиятни ва мамлакатдаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги стратегик йўналишларини белгилаб берди. Бундан ташқари Президент Фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг қонунчиликнинг бўйлиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тўзиш тўғрисида”, 1997 йил 21 июлда “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”, 1997 йил 22 июлда “Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида” қарорлар қабул қилинди. Шундай қилиб, аҳолининг

ҳуқуқий маданиятини кўтариш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ҳуқуқий таълим стандартида кайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда таълим технологияси билан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки таълим технологияси ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини чуқур эгаллаши учун зарур педагогик–психологик имкониятларининг барча жиҳатларидан тўла фойдаланишни ўз ичига олади. Таълим технологияси – бу ўқув-тарбия жараёнини бошқариш воситалари, таълимни ташкил этишнинг самарали шакллари, урганиш усулари, шунингдек, ўқув материалт мазмунининг чуқур ва пухта узлаштирилишини таъминлаш борасидаги ижобий натижаларга эришиш йулларининг кенг камровли бирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази томонидан чоп этилган (Тошкент – 2001) “Мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун зарур булган дастурлар, методик кўрсатмалар, дидактик воситаларга қўйиладиган талаблар ва дастури” тўпламида кўрсатилишича, бошланғич таълим (1-4 синфлар) “Конституция алифбоси” мазмунида амалга оширилиши керак. Бунинг учун дастурда 40 соат вақт ажратилган бўлиб, ҳар бир синфда 10 соатдан дарс ўтилиши кўрсатилган.

Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш аниқ педагогик шарт-шароитларни талаб этиб, мазкур жараёни лойиҳалаш алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу сабабли тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган технологик машғулоти машғулоти ишланмалари мажмуи ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари асосида бошланғич синф ўқитувчилари учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотларини фаол жалб қилиш.
2. Оммавий ахборот воситалари орқали бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи материалларнинг бериб борилишини таъминлаш.
3. Умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда “Камалак” болалар ташкилоти имкониятларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш.
4. Технологик ёндашувга асосланган ҳолда, бошланғич синф ўқувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга оид тадбирлар тизимини йўлга қўйилишига эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.31-61.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 71 б.
5. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 138 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 315 б.
8. Каримов И.А. Юксак ҳуқукий тафаккур демократик жамият тақозоси. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 59 б.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
13. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривжланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти. // “Маърифат” газетаси, 2012 йил.
14. Каримова О, Ғуломова З. Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқни ўқитиш услуги. – Т., 1998. – 156 .
15. Каримова О. Ҳуқуқни ўқитиш методикаси. – Т., 2003. – 189 б.
16. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.: Академия, 2002. – 345 б.
17. Саидов А., Тожихонов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-жилд. – Т.: Академия, 1998. – 267 б.
18. Саидов А., Тожихонов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-жилд. – Т.: Академия, 1998. – 267 б.
19. Аманова О. Давлат ва ҳуқуқ асослари курсида кўргазмали куроллардан фойдаланиш. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 176 б.
20. Абдуваҳобов У. Шахс (Комил инсон ҳақида). — Т.: Ватан. 1996. - 20 б.
21. Абдуллаев Т.У. Диалектика национальнmx и человеческих ценностей в сфере быта: Автореф. дисс. ... док.филос.наук. – Т.: 1992. – 41 с.
22. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
23. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: Шарқ матбаа концерни, 1997. – 176 б.

24. Ақромов Р. Миллатлараро тотувлик – тинчлик ва барқарорлик кафолати //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 128-131.

25. Алматов К., Адашбоев Т. Маданий ҳамкорлик алоқалари – халқлар дўстлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 88-95.

26. Алимова Д. Великое прошлое определяет великое будущее: история и современность //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурной центр РУз, 1999. – С. 162-165.

27. Алимов Т. Роль и задачи национальных культурных центров в формировании гражданского общества // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – С. 10-17.

28. Ата-Мирзаев О. и др. Узбекистан многонациональнш: историко-демографический аспект. – Т.: Узбекистан. 1998. – 151 с.

29. Атамуратов С. Национальное самосознание и интернациональное воспитание. – Т.: Узбекистан. 1991. – 86 с.

30. Бакиров М. Наша сила – в единстве и согласии // Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – С. 25.

31. Бахрамов А. Независимость и свобода совести //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональнш культурной центр РУз, 1999. – С. 227-229.

32. Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. – Т.: Меҳнат. 1992. – 112 б.

33. Бобожонова Д. Миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик. – Т.: Фан, 1996. – 28 б.

34. Бобоходжаев М. Межнациональные отношения в Республике Узбекистан. – Т.: Билим. 1994. – 26 с.

35. Бобоходжаев М. Республика Узбекистан: очерки межнациональных и межконфессиональных отношений, внешнеэкономических связей. – Т.: Элсано, 1996. – 103 с.

36. Болиев А. Миллий тотувлик – ижтимоий тараққиёт омили //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.22-25.

37. Вахидов Э. Независимая Республика Узбекистан и международное сообщество //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурный центр РУз, 1999. – С. 174-179.

38. Герасимова С. Узбекистан – наш общий дом //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – С. 23-25.

39. Жўраев Н. Миллатлараро муносабатларнинг маънавий асослари //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ. 2001. – Б.49 -54.

40. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 439 б.

41. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар /Масъул муҳаррир Н.Комилов. – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 1996. – 66 б.

42. Имомназаров М., Эшмухамедова С. Миллий маънавиятимиз асослари /Таҳрир ҳайъати Ҳ.С.Кароматов ва бошқ. – Т.: Тошкент Ислон университети, 2001. – 432 б.

43. Исламов Ш. Актуальные задачи религиозных организаций и укреплении межконфессионального и гражданского согласия //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – С. 18-20.

44. Исомов М.К. Свободное время и развитие духовной культуры молодежи: Автореф. дисс.... канд.филос. наук. – Т.: 1994. – 22 с.

45. Ёкубов А. Ягона оила фарзандларимиз //Миллий ғоя — бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ. 2001. – Б.57-58.

46. Калдыбекова А.С. Интернациональное воспитание учащихся старших классов изучения родной литературы (На мат. казах. школ Республики Узбекистан): Автореф. дисс.... канд.пед.наук. – Т.: 1993. – 22 с.

47. Калдыбекова А. Урхун-Енисей ёзма ёдгорликларини ўқитиш жараёнида талабаларни байналмилаллик руҳида тарбиялаш. / Педагогик таълим. – 2006, №4. – Б.55.

48. Камалова К.Ф. Воспитания культурм поведение подростков в семье на взаимовлияющих традициях узбекского и татарского народов: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1995. – 22 с.

49. Кароматов Х. Основные направления национальной политики независимой Республики Узбекистан //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурной центр РУз. 1999. – с. 149-151.

50. Кашукимбаева З.Ж. Формирование культурм межнационального общение младших подростков средствами двуязычия (Казахско-русского): Автореф. дисс.... канд.пед.наук. – Алматы, 2001. – 23 с.

51. Ким М. Миллатлар равнақи – Ватан равнақи // Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ. 2001. – Б.125-127.

52. Комилова С. Ёшлар тарбиясида илмий меросимизнинг ўрни. – Т.: Меҳнат. 2000. – 37 б.

53. Кошифий, Ҳусайн Воиз. Футувваномай султоний ёхуд жавонмардлик тариқати /Форс тилидан Н.Комилов тарж. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1994. – 112 б.

54. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. — Т.: Фан. 1994. - 134 б.

55. Маҳкамов У. Педагогические основм формирования нравственной культурм учаидихся старших классбв: Автореф. дисс. ... док.пед.наук. – Т.: 1998. – 31 с.

56. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини тарбиялаш муаммолари. – Т.: Фан, 1996. – 200 б.

57. Межнациональные отношения современности /По материалам социологических исследований в Узбекистане. Сборник. – Т.: Фан, 1991. – 68 с.

58. Миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни ўрганишнинг долзарб масалалари. – Т.: Университет. 1995. – 28 б.

59. Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш /Ўқув кўлл. – Т.: Ўзбекистон. 1993. – 136 б.

60. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика Байналмилал маданият Маркази, 2003. – 45 б.

61. Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика Байналмилал маданият Маркази, 2001. – 139 б.

62. Миркамилов Т. Укрепление единства и взаимного согласия многонационального населения нашей страны //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурной центр РУз. 1999. – С. 259-262.

63. Мусаев О. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабат: Тарих фанл. номз. ... дисс. – Т.: 2000. – 174 б.

64. Мустақиллик: Изохли илмий-оммабоп луғат /Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқ. А.Жалолов ва Қ.Хоназаров умумий таҳрири остида. – Т.: Шарқ матбаа-концерни, 2000. – 320 б.

65. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти. – Т.: Меҳнат, 1995. – 180 б.

66. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 93 б.

67. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятни тарбиялашнинг педагогик асослари: Пед. фан.док. ... дисс. – Т.: 1993. – 364 б.

68. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини тарбиялаш. – Т.: Фан. 1993. – 118 б.

69. Назаров Қ. Ижтимоий жараёнларни ўрганишда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – Б. 21-23.

70. Назаров Қ.Н., Мирзиётов И. Ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тоғлари //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 27-31.

71. Назаров К. Основные принципы межнационального согласия //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурной центр РУз. 1999. – С. 250-252.

72. Норбоев А., Ҳақимова Н. Миллатлараро тотувликнинг фаол омили //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.32-35.

73. Нурматова М.К., Зияева Д. Миллатлараро тотувлик – тараққиёт омили //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 78-84.

74. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан.док. ... дисс. – Т.: 2000. – 305 б.

75. Отамуродова Р. Талаба-ёшларнинг маънавий тарбияси //Халқ таълими ж. 2000. № 6. – Б.26-28.

76. Отамуродов С.С. Национальное самосознание социально активной части молодёжи и его функционирование в условиях независимости Узбекистан (Социологический анализ): Автореф. дисс. канд.соц.наук. – Т.: 2000. – 25 с.

77. Очилдиев А. Миллатлараро тотувлик ғояси ва мамлакат тараққиёти //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.7 - 10 б.

78. Очилдиев А.С. Мустақиллик ва миллатлараро муносабатлар // Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б 17-21.

79. Очилов Н. Миллатлараро ҳамжиҳатлик – барқарорлик ва тараққиёт омили //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.51-53.

80. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 208 б.

81. Расулов К. Важный фактор укрепления межнационального согласия //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональный культурной центр РУз. 1999. – С. 193-198.

82. Режаметова И.И. Ўспирин-ёшларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг педагогик асослари (Миллий-маданий Марказлар фаолияти мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ...дисс. – Т., 2006. – 145 б.

83. Республика Байналмилал маданият Маркази Тадбирлар Режаси /2002 йил/. – Т.: Республика Байналмилал маданият Маркази, 2002. – 36 б.

84. Рустамова М. “Катта оға” ва тор миллатчилик муносабатларининг келажаги йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 23 б.

85. Рыбчинский П. Независимость и межнациоальное согласие //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – С. 33-36.

86. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ. 2000. – 46 б.

87. Саматов Х. Роль политические знаний формировании и развитии политической культурам студентов молодёжи: Автореф. дисс. ... док.филос.наук. – Т.: 1994. – 33 с.

88. Стамболцян А. Ўзбекистон арманлари: тарих, маданият ва миллатлараро тотувлик //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – Б.26-28.

89. Тиллабоев Р. Миллий ғоя ва миллатлараро ҳамжиҳатлик //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 44-46.

90. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М., Эргашева Г., Берданова Ф. Ўқув-тарбия жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш. – Т.: ЎзПФТИ, 2004. – 64 б.
91. Туйчиева С.С. Диалектика развития активности личности в сфере духовной жизни: Автореф. дисс. ... канд.филос.наук. – Т.: 1994. – 22 с.
92. Туленов Ж. ва бошқ. Истиклол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон. 1993. – 48 б.
93. Туленов Ж., З.Ғофуров. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – 21 б.
94. Туленов Ж., З.Ғофуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 253 б.
99. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – 72 б.
95. Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон. 1993. – 319 б.
96. Турсунов А. Законодательство Узбекистана: мировые стандарты и национальные принципы //Межнациональное согласие – гарантия стабильности. – Т.: Интернациональнш культурной центр РУз. 1999. – с. 168-173.
97. Убайдуллаева Р.А. Самосознание – как фактор укрепления толерантности в межконфессиональнмх отношениях //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ. 2001. - 44-48-б.
98. Усмон, Турон. Туркий халқлар мафкураси /Тарж. У.Абдуваҳоб. – Т.: Чўлпон, 1995. – 104 б.
99. Фозилхўжаева Ш. Миллатлараро муносабатларни тартибга солиш (давлат-ҳуқуқий аспектлари асосида). – Т.: Фан, 1991. – 200 б.
100. Халилова Ш.Т. Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари: Автореф. дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 2001. – 22 б.
101. Ханазаров К.Х. Мустақиллик ва ёшларни байналмилал руҳда тарбиялаш. – Т.: Қатортол – Камолот. 1998. – 88 б.

102. Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маданияти. – Қарши, Қарши Давлат университети, 1993. – 96 б.
103. Юсупов Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 32 б.
104. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – 184 б.
105. Юсупов Э., Юсупов Ў. Маънавий камолот ва жамият тараққиёти. – Хўжанд, 1996. – 170 б.
106. Юсупов Ў. Қўшнинг тинч – сен тинч. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 22 б.
107. Ўзбегим / “Ватан” серияси. – Т.: Звезда Востока журнали кутубхонаси. 1992. – 256 б.
108. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иқтисодий омиллари. – Т.: Ўзбекистон. 1994. – 46 б.
109. Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида. – Т.: Университет, 1996. – 167 б.
110. Ўзбекистон – умумий уйимиз //Тузувчи — муаллиф М.Нурматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 237 б.
111. Ўқувчи маънавиятини тарбиялаш /Тузувчилар: Ж.Фозилов ва бошқ. – Т.: Шарқ матбаа концерни, 2000. – 304 б.
112. Қурбониёзова З.К. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англаш тарбиялашнинг педагогик асослари (Қорақалпоқ мактабларининг VII-IX синфлари мисолида): Пед.фан.номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2002. – 21 б.
113. Қуръони Карим /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур – Т.: Чўлпон, 1992. – 544 б.

114. Қуронов М., Мусаев О. Ёшларни миллатлараро тотувлик рухида тарбиялашда миллий қадриятларнинг роли //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.67-73.

115. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. – Т.: Фан, 1995. – 118 б.

116. Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик – тараққиёт омили. – Т.: Республика Байналмилал маданият Маркази, 2001. – 139 б.

117. Ҳуснидинов З. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳаётий илдизлари //Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик - тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2003. – Б.5-10.

118. Ҳуснидинов З.М. Миллий истиқлол ғояси ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари //Миллий ғоя – бизнинг ғоя. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б.4-7.

119. Ҳуснидинов З.М. Ўзбекистон Республикасида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик //Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тараққиёт омили. – Т.: Республика БММ, 2001. – Б. 6-11.

Иловалар**1-илова****Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятининг
шаклланганлигини аниқлашга доир сўровнома**

1. Ҳуқуқ деганда нимани тушунасиш?_____

2. Ахлоқ деганда нимани тушунасиш?_____

3. Ўзбекистон қандай давлат?_____

4. Мулк нима?_____

5. Мажбурият нима?_____

6. Нега бошқаларни ҳурмат қилиш зарур?_____

7. Сизни қандай ҳуқуқларингиз мавжуд?_____

8. Сизнинг қандай мажбуриятларингиз мавжуд?_____

Сўровномада иштирок этганингиз учун раҳмат!

**Бошланғич синф ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятни
шакллантиришга таъсир этувчи омилларга муносабатини аниқлашга
доир сўровнома**

I. Қуйидагиларни сизда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга таъсир кўрсатиш таъсирига кўра кетма-кетликда таснифланг:

1. Ҳуқуққа доир билимларнинг мавжудлиги.
2. Ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган машғулотлар.
3. Дарсдан ташқари маънавий-маърифий тадбирлар.
4. Ахборот-коммуникация воситалари.
5. Оила ва оилавий анъаналар.
6. Микромуҳитлар.

II. Мазкур омилларга ўз муносабатингизни билдиринг.

Сўровномада иштирок этганингиз учун раҳмат!